Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ● № 56 (8046). ● 25 март, 1983 йил, ● ЖУМА. ● Баҳоси 3 тийин

ТАШАББУСКОР САБЗАВОТКОРЛАР САФИГА ҚЎШИЛИНГ!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

ОБЛАСТЬ қишлоқ меҳнаткашлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларини бажара бориб, СССР 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, мева-сабзавот етиштиришни кўпайтиришга эришдилар. Область давлатга мева-сабзавот маҳсулотлари сотиш план ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарди.

Давлатга 597,3 минг тонна сабзавот, 105,3 минг тонна картошка, 52 минг тонна полиз маҳсулотлари, 85,3 минг тонна мева, 88,2 минг тонна узум топширилди.

Областда ҳар гектар ердан ўртача 265 центнердан сабзавот, 108 центнердан картошка, 55 центнердан мева, 86,2 центнердан узум олинди.

Область деҳқонлари КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андроповнинг Пленумда қилган докладидан келиб чиқадиган қонда ва хулосаларни жанговар иш программаси сифатида қабул қилдилар. 1982 йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларига кўра областга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи берилганлигига жавобан сабзавотчиликни, картошкачиликни, полизчиликни, боғдорчилик ва узумчиликни янада ривожлантириш юзасидан кенг кўламда кураш бошладилар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш, совет халқлари фаровонлигини ошириш борасидаги ғамхўрликларига амалий жавоб берадиган область деҳқонлари ҳосилдорлигини ошириш, сабзавот, картошка, қовун-тарвуз, мева ва узум етиштириш бўйича 1983 йил социалистик мажбуриятларини ва ўн биринчи беш йиллик планларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб юбордилар.

Область партия комитети КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленумининг ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини ва илғор тажрибаларни жорий этиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, иш вақтининг йўқотилишига барҳам бериш йўли билан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш зарурлиги ҳақидаги қарорларига амал қилган ҳолда Оҳангарон районидаги «Оҳангарон» совхозидан Н. Парпиев, Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоздан С. Ибраев, Калинин районидаги Калинин номли колхоздан С. Каримов, «Қорасув» совхозидан Ш. Нуриддинов, 1-теплица комбинатидан С. Хўжамназарова, Коммунистик районидаги Охунбобоев номли совхоздан С. Муҳсиддинов, Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхоз-заводидан У. Улуғхўжаева ва Э. Билялов, Паркент районидаги «Ленинобод» совхозидан Т. Расулов, Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхозидан Қ. Бойматовлар бошлиқ илғор сабзавотчилик, картошкачилик, боғдорчилик ва узумчилик бригадалари коллективларининг ташаббусини маъқуллади. Бу коллективлар 1982 йил топшириқларини муддатидан илгари бажариб, 1983 йилда ҳар гектар майдондан 450—500 центнердан сабзавот, 230—300 центнердан картошка, 250—267 центнердан узум, 230—237 центнердан мева, теплица хўжалигида ҳар квадрат метр ердан 30 килограммдан ҳосил олиш, ўз бригадаларида ёрдамчи чорвачилик хўжалигини ривожлантириш, қолоқ бригадаларни оталиққа олиш юзасидан оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область касаба союзлари Совети, область комсомол комитети, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси, мева-сабзавот маҳсулотлари аграр-саноат бирлашмаси, колхоз, совхозларнинг партия ташкилотлари ва раҳбарлари зиммасига илғор бригада коллективларининг қимматли ташаббусларини кенг муҳокама этиш, ҳар бир хўжаликда қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилиши учун конкрет тадбирлар ишлаб чиқиб, амалга ошириш, юқори ҳосил олиш учун оммавий социалистик мусобақани ривожлантириш юзасидан ташкилий ишларни кучайтириш, оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилган бригада коллективларига ҳар томонлама ёрдам бериш вазифаси юклатилди.

«Тошкент Марказий қатори» ва «Ташкентская правда» газеталари редакцияларига, область телевидение ва радиоэшиттириш бош редакцияларига 1983 йилда мўл ҳосил етиштириш учун бошланган социалистик мусобақанинг боришини кенг ёритиш топширилди.

ПАРПИЕВ Нурмат,
Оҳангарон районидаги «Оҳангарон» совхози бригада бошлиғи:

— САБЗАВОТЧИЛИК бригадасига 17 йилдан бери раҳбарлик қиляпман. Коллективимиз сабзавот ҳосилдорлигини ошириш юзасидан бой тажриба орттирган. Масалан, ўтган йили ҳар гектар майдондан 302 центнердан маҳсулот йиғиштириб олдик. Беш йилликнинг дастлабки икки йили плани 128 процент бажарилди.

Бу йил бригадамиз аъзолари сабзавот ҳосилдорлигини 400 центнерга етказиш ва сабзавот етиштириш бўйича ўн биринчи беш йиллик планини тўрт йилда бажариш мажбуриятини олдилар.

ИБРАЕВ Сарибой,
Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоз бригада бошлиғи:

— БРИГАДАМИЗ коллективи «Бир майдондан икки ҳосил!» шиори остида меҳнат қилмоқда. Бизнинг шароитимизда бунга эришса бўлади.

Биз биринчи ҳосилни плёнка остига экилган эртаки сабзавот турларидан оламиз. Иккинчи ҳосил эса кечки экиндар ҳисобига бўлади. Шундай ҳисоб билан иш тутаётганлигимиз учун ҳосилдорлик 400 центнердан юқори бўляпти. Масалан ўтган йили ҳар гектар ердан 460 центнердан сабзавот маҳсулотлари йиғиштириб олдик.

Ўн биринчи беш йиллик планини ҳам уч йилда бажарамиз. Бу йил ҳосилдорликни 480 центнерга етказамиз.

КАРИМОВ Солиҳ,
Калинин районидаги Калинин номли колхоз бригада бошлиғи, СССР Давлат мукофоти лауреати:

— КОЛЛЕКТИВИМИЗ картошка етиштиришга ихтисослашяпти. Ўтган йили мўл ҳосил етиштириш ташаббуси билан чиқиб, ҳар гектар ердан 250 центнердан картошка олишга сўз бергандик. Амалда эса 280 центнер, яъни 1981 йилдагига нисбатан 75 центнер кўп бўлди.

Аммо картошка шундай экинки, ундан янада мўл ҳосил олиш мумкин. Менинг 40 йиллик тажрибам ҳам шундан далолат бериб турибди. Бу йил ҳосилдорликни 300 центнерга етказиб, беш йиллик плани бажариш мажбуриятини олдик.

НУРИДДИНОВ Шавкат,
Калинин районидаги «Қорасув» совхози бригада бошлиғи:

— САБЗАВОТ экинлари ҳосилдорлигини ошириш учун курашда биз илғор тажрибаларга, қишлоқ хўжалик фани ва техникаси ютуқларига асосланамиз. Эндиликда сабзавотчиликда ҳам бир йилда бир-икки марта эмас, ундан кўп марта ҳосил олиш мумкин. Бригадамиз коллективи ана шу принцип асосида иш юритади. Ўтган йили ҳар гектар майдондан 350 центнердан ҳосил йиғиштириб олдик. Беш йилликнинг ўтган икки йили плани 123 процент бажарилди.

Бу йил суръат янада жадаллашади. Ҳосилдорликни 400 центнерга етказиб, беш йилликни тўрт йилда бажариш учун ички резерв ва имкониятларни тўла ишга соламиз.

ХЎЖАМНАЗАРОВА Саноат,
Калинин районидаги 1-теплица комбинати звено бошлиғи:

— БИЗ — теплица комбинати ходимлари шаҳарликларни қиш даврида сархил сабзавот билан таъминлашга даъват этилганмиз. Қишлик сабзавотни қанчалик кўп етиштирсак, меҳнаткашларнинг дастурхони шунчалик тўкин-сочин бўлади.

Звеномиз аъзолари асосан помидор ва бодринг етиштирадилар. Ҳар квадрат метр теплица майдонидан 26 килограммдан маҳсулот оляпмиз.

Ёпиқ майдонларда ҳосилдорликни янада ошириш имкониятлари бор. Шуни ҳисобга олиб, бу йил ҳар квадрат метр ерда камида 30 килограммдан сабзавот етиштириш ва беш йиллик планни уч йилда бажаришга қарор қилдик.

МУҲСИДДИНОВ Сирожиддин,
Коммунистик районидаги Охунбобоев номли совхоз звено бошлиғи:

— МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН звеномиз картошка етиштириш билан шуғулланади. Бизга 30 гектар ер бириктирилган. 8 киши ишлаймиз. Механизациялаштирилган ишлари, яъни экиш, ишлов бериш, ҳосилни йиғиштириб олишни мен бажараман. Звеномизнинг бошқа аъзолари экинни суғориш ва парвариш қилиш билан банд бўлишади.

Ўтган йили сув танқис бўлса-да гектаридан 156 центнердан картошка йиғиштириб олдик.

Бу йил ҳосилдорликни 230 центнерга етказиб, беш йиллик плани тўрт йилда бажариш мажбуриятини олдик.

УЛУҒХЎЖАЕВА Умри,
Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхоз-заводи бригада бошлиғи:

— БРИГАДАМИЗ аъзолари беш йилликнинг бошиданоқ боғларга қулай агротехника муддатларида сифатли ишлов бериб келмоқдалар. Сидқидилдан қилинаётган меҳнат ўз самарасини беряпти. Беш йилликнинг ўтган икки йиллик плани карийб 1,5 баравар бажарилди. Ўтган йили боғларнинг ҳар гектаридан 210,3 центнердан мева йиғиштириб олинди.

Бу йилги мажбуриятимиз мевали боғлар ҳосилдорлигини 230 центнерга етказиш ва беш йиллик планни 3,5 йилда бажаришдир. Чунки, ўнинчи беш йиллик планни ҳам 3,5 йилда бажаргамиз.



БИЛЯЛОВ Эскендер,
Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхоз-заводи бригада бошлиғи:

— КПСС XXVI съезди белгилаб берган Озиқ-овқат программасини муваффақиятли ҳал этиш биринчи галда қишлоқ хўжалик ходимлари, демак биз боғбонларнинг ҳам ғарбдор меҳнат қилишимизга боғлиқ бўлади. Бригадамиз аъзолари буни тўғри тушунадилар. Шунинг учун боғларга ишлов бериш агротехникасига қатъий амал қилиб, ўтган йили ҳосилдорликни 220 центнерга етказдик. Беш йилликнинг дастлабки икки йили плани 146,2 процент бажарилди.

Бригадамиз боғбонлари бу йил ҳар гектар боғдан 237 центнердан ҳосил олиб, беш йилликни уч йилда бажаришга қарор қилдилар.

РАСУЛОВ Тўйчи,
Паркент районидаги «Ленинобод» боғдорчилик-узумчилик совхози бригада бошлиғи:

— БРИГАДАМИЗ мева ва узум етиштиришга ихтисослашган. Бироқ боғларимиз ҳали ёш бўлиб, ҳозирча фақат узум етиштиряпмиз. Ўтган йили пландаги 200 тонна ўрнига 280 тонна ҳосил топширдик. Ҳар гектар токзордан 140 центнердан узум ҳосили олинди.

1983 йилда токзорлар ҳосилдорлигини 150 центнерга етказиб 405 тонна узум етиштириш мажбуриятини олганмиз. Бизда беш йиллик планни тўрт йилда бажариш учун барча имкониятлар мавжуд.

БОЙМАТОВ Қаҳрамон,
Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхози бригада бошлиғи:

— ТОКЗОРЛАРИМИЗ 40 гектарлик майдонни эгаллаган. Ҳар йили бу ерларда 180 центнер ва ундан ҳам ошириб узум ҳосили оляпмиз. Беш йилликнинг ўтган икки йили давомида шаҳарликларга планга қўшимча кўплаб маҳсулот етказиб бердик.

Бу йил коллективимиз олдида янада масъулятли вазифалар турибди. Токзорларнинг ҳар гектаридан 250 центнердан ҳосил олишга сўз берганмиз. Бунинг учун кузги ва қишки агротехник тадбирлар ўз вақтида обитобида ўтказилди. Ички резервларни тўлароқ ишга солиб, беш йиллик планимизни тўрт йилда бажарамиз.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси навбатдаги мажлисида кўкламги экишга ва дала ишларини бошлашга тайёрлик тўғрисида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Б. Р. Раҳимов, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри А. А. Уркинбоев, Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министри В. У. Усмонов, Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри И. Ҳ. Жўрабеков, Ўзбекистон ССР «Госкомсельхозтехника» раиси М. Э. Эгамбердиев, Ўзбекистон ССР мева-сабзавот хўжалиги министри О. А. Алимов, «Главсредазирсовхозстрой» бошлиғи Н. Р. Ҳамроев ахборотларини тингланди. Бу ишда мавжуд камчиликлар ва нуқсонлар кўрсатиб ўтилди, уларни тезроқ бартараф этиш зарурлигига эътибор жалб қилинди.

Бюро Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалигини 1983 йилда ривожлантиришнинг республика Министрлар Совети тақдим этган йиғма планини маъқуллади. Жамоат чорвачилигини ривожлантириш борасидаги ишлар анализ этилди ва унинг эҳтиёжлари учун қўшимча дон ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бюро колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришига коллектив пудратни жорий этиш юзасидан ташкилотчилик ишини кучайтириш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Ҳамма жойда доимий хўжалик ҳисобидаги бригадалар ва звеноларни тузиш, уларни меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг нарядсиз системасига ўтказиш ер, сув, техникадан самарали фойдаланишга, энг кам харажат қилган ҳолда юксак пировард натижага эришишга ёрдам беражаги таъкидланди. 1982 йилда 18.735 бригада ёки улар жами миқдорининг 42 проценти шундай системаларга мувофиқ ишлади. Сурхондарё областида пахтачилик бригадаларининг 80 проценти коллектив пудрат асосида иш юритди. Аммо меҳнатнинг бу илғор формасини мева-сабзавотчиликда, емхашак етиштиришда, чорвачиликда оммалаштириш асосида равишда пайсалга солинмоқда. Бюро область ва район партия комитетларига, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетларига, область ва район агросаноат бирлашмаларига коллектив пудратни қишлоқ хўжалигига кенг жорий этиш борасидаги ташкилотчилик ишини кучайтиришни топширди.

Бюро КПСС XXVI съездидан кейин ўтган даврда Ўзбекистон Компартиясининг партия сафларини ўстириш ва янада мустаҳкамлашга доир баъзи масалаларни кўриб чиқди.

Уруш қатнашчилари ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг моддий-маиший шароитларини яхшилаш юзасидан партия, совет ва хўжалик органларининг иши тўғрисидаги ахборот тингланди. Тегишли қарор қабул қилинди.

Бюро Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги «Узградострой» бирлашмасининг ишини янада яхшилаш борасидаги тадбирларини муҳокама қилди. Республика тўқимачилик комбинатларидаги оҳорлаш фабрикалари қурилиши қандай давом этаётганлиги кўриб чиқилди ҳамда Тошкент тўқимачилик комбинати билан Андижон ип-газлама комбинатида, Нукус ва Бухородаги оҳорлаш фабрикаларида газламаларни оҳорлайдиган янги қувватларни ишга туширишни жадаллаштириш тадбирлари белгиланди.

ЯНГИ ТЕХНИКА ВА ИЛҒОР ТАЖРИБА БИЛАН ТАНИШУВ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, область партия комитетларининг биринчи секретарлари, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари 23 март куни Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналарида ишлаб чиқариши ўзлаштирилаётган янги пахтачилик техникаси намуналарини кўздан кечирдилар. Герметик кабинали юз от кучига эга трактор, универсал селлкалар, культиваторлар, пахтани қоп-қанорсиз ташиш учун мўлжалланган ва кўп юк ортиладиган прицеплар намойиш қилинди.

Янги техника шу йилнинг ўзидаёқ мамлакат пахтакор хўжаликларига етказиб берилади. Бу техника ўзининг характеристикасига кўра, ҳозир ишлаб чиқарилаётган агрегатлардан анча устундир.

Янги техниканинг жорий этилиши КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси XX съезди пахтачиликни комплекс механизациялаш соҳасида ўртага қўйган вазифани, Озиқ-овқат программасини ҳал этишга муҳим ҳисса қўшиш имконини беради.

Шу куни Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, область партия комитетларининг биринчи секретарлари, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари республика наслчилик марказининг иши билан танишдилар. Бу марказнинг фаолияти қорамоллар наслини яхшилашга қаратилган. (ЎзТАГ).

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ 127-марказлашган усулда юк ташиш автомобиль корхонасида Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейи шарафига социалистик мусобақа тобора авж олмоқда. Бунинг натижасида юк ташиш давлат планлари ортиғи билан адо этиляпти.

Социалистик мусобақада иштирок этаётган кўпгина бригадалар юксак меҳнат кўрсаткичларига эришмоқдалар. Айниқса, Шоҳсоқ Нишонов раҳбарлик қилаётган коммунистик меҳнат бригадаси коллективи унумли ишлаяпти. Иш вақтидан ва автомашиналардан оқилона фойдаланаётган бу коллектив бригадалар ўртасидаги меҳнат беллашувида пешқадамлик қилмоқда. Шофёрлар ўз байрамлари нишонланадиган 30 октябргача 305,1 минг тонна юк ташиб бериб йиллик планни бажариш учун муваффақиятли курашмоқдалар. Уларнинг ҳар сменадаги ўртача иш кўрсаткичлари 130—140 процентни ташкил этмоқда.

Кўпчилик автомобиль ҳайдовчиларининг меҳнат кўрсаткичлари бундан ҳам юксак бўлмоқда. Ҳаким Абдуллаев, Раҳматулла Исматов, Ғофир Маликов, Азим Қодиров, Собир Рустамовлар шулар жумласидандир.

С. СУЛТОНОВ.

16 АПРЕЛЬ—КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ

БУЮРТМА ВАҚТИДА БАЖАРИЛАДИ

△ ХИМИЯ МАШИНАСОЗЛИГИ ишлаб чиқараётган Чирчиқ машинасозлари Коммунистик шанбалик кунида қардош Болгария буюртмаси асосида бепул иккита турбонагнетатель тайёрлайдилар. А. Фомичев бошлиқ комплекс бригада шу иш билан шуғулланади. «Узбекхиммаш» заводининг бошқа коллективлари турбомашиналар ва технология қурилмалари учун деталлар ва узелларнинг пландан ташқари комплектларини ишлаб чиқарадилар. В. Волосников, П. Штефен бошлиқ бригадалар, токарлардан В. Квасов, Н. Паюсов, В. Колесников ва кўпгина бошқалар конкрет мажбуриятлар қабул қилдилар. Қуювчилар 16 апрель куни ўнлаб тонна маҳсулот ишлаб чиқариш ниятидадирлар, халқ истеъмол моллари цехи одатдаги кундалик маҳсулот ишлаб чиқариш нормасини анча ошириб адо этишга аҳд қилди.

МЕҲНАТ БАЙРАМИ ШАРАФИГА

ЎЗБЕКИСТОН ССР Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти Давлат Комитетининг Тошкент тажриба ремонт-механика заводи коллективи бўлажак Коммунистик шанбаликни зарбдор меҳнат билан нишонлашга аҳд қилди. Корхонанинг ҳар бир ишчиси шу куни смена топшириғини бир ярим баравар ортиғи билан бажариш мажбуриятини олди. Коммунистик шанбалик кунида колхоз ва совхозларга ремонтдан чиқарилган ўттизта трактор моторини, қишлоқ ремонт устахоналари учун ўн бешта янги гидропресс ва қишлоқ хўжалик техникаси учун кўплаб эҳтиёт қисмларни жўнатишга қарор қилинди.

Ишларининг ҳаммаси тежалган энергия ҳисобига бажарилади. Завод ҳовлисида юз туп мевали дарахт кўчати ва шунча бута ўтказиш мўлжалланган.

МАККАЖЎХОРИ МАЙДОНЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛДИ

Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхози деҳқонлари бу йил маккажўхори майдонларини беш баравар кенгайтирадилар. Энди бу экин минг гектардан зиёд далага экилади.

Шу кунларда хўжалик механизаторлари яхши тайёрланган тупроққа «дала малиқаси» уруғлигини жадал суръатлар билан қадамоқдалар. Звено бошлиқлари бўлган механизаторлар Мустафо Муслимов, Эмерсен Топчи ва бошқалар ҳар кўчи нормани бир ярим баравар оширмоқдалар.

Совхоз маккажўхорикорлари беш йилликнинг учинчи йилида гектаридан юз центнер — топшириқдагидан анча кўп «каҳрабо дон» олишга аҳд қилишган.

(ЎзТАГ).

ҲАММА СОҲА НАЗОРАТДА БЎЛСИН

Областимиз саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари, колхоз, совхозлари ва муассасалари халқ контроли группаларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари қизғин давом этмоқда. Шу кунгача бўлиб ўтган йиғилишларда 570 мингдан ортиқ ишчи, колхозчи, хизматчи ва зиёли иштирок этди. Ҳисобот докладлари юзасидан музокараларда 40 минг киши қатнашди.

Яқинда Тошкент районидаги Охунбобоев номли колхоз халқ контроли группасининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари группа раиси Р. Аҳмедовнинг ҳисобот докладини тинглаб муҳокама қилдилар.

Йиғилишда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов нутқ сўзлади.

Йиғилишда область халқ контроли комитети раиси Б. С. Камолов иштирок этди.

Йиғилиш арафасида халқ контроли экранининг навбатдаги сони эълон қилинди. Унда назоратчиларнинг экиш олдидан ўтказган рейдлари натижаси маълум қилинган эди.

Группа аъзолари эрта баҳорда бир қатор бригадаларда бўлишиб текисланган ерларни, уруғлик сифатини кўздан кечиришди, техникани ишлатиб кўришди. Аниқланган камчиликлар дала бошида зудлик билан бартараф этилди. Иш бошидан қизғин бўлгани яхшида, ахир.

Бу йил колхоз коллективи 600 тонна дон, 2050 тонна картошка, 9500 тонна сабзавот ва бошқа хил маҳсулотлар етиштиришга бел боғлаган. Чорвадорлар марраси ҳам баланд. Улар 1150 тонна сут, 150 тонна гўшт, 200 минг дона тухум етиштириш мажбуриятини қабул қилишган. Ҳозир бутун имконият мана шу марраларни эгаллашга қаратилган. Рейд ва текширувлар давомида маълум бўлаётган камчиликлар тезда тугатилмоқда, план ва мажбуриятларнинг бажарилиши назорат остига олинмоқда.

Колхоз экономикасини ривожлантиришда назоратчилар қўшаётган ҳисса беқиёсдир. Цех халқ контроли группалари ва постларига ҳозир 78 назоратчи бирлашган. Улар 6 та секторга бўлинган ҳолда халқ хўжалигининг турли соҳалари бўйлаб текширувлар ўтказмоқдалар.

Ҳисобот даврида 50 га яқин рейд ва текширув уюштирилди. Уларда назоратчилар, халқ депутатлари, касаба союз ва комсомол комитети аъзоларидан 117 киши иштирок этди. Рейдларнинг бирида сут-товар фермасидаги аҳвол кўздан кечирилди. Текширув давомида ҳисобкитобнинг чалкашлиги, емхашакнинг ортиқча исроф бўлаётганлиги маълум бўлди. Рейд якуни группа йиғилишида муҳокама қилиниб, молбоқар Т. Ўринбоев ва зоотехник О. Каримовга жамоатчилик танбеҳи берилди. Ўша кундан бошлаб фермада навбатчилар тайинланадиган бўлди. Назорат кучайгач камчиликлар ўз-ўзидан барҳам топаверди.

Кеч кузда колхоз назоратчилари 3-бригада далаларида ҳосил йиғим-теримининг боришини кўздан кечиришди. 1 гектар майдондаги сабзига сифатли ишлов берилмагани учун ҳосил яхши бўлмаган эди. Шу майдондан пландаги 13 тонна ўрнига 5,5 тонна ҳосил олинди. Помидор ҳосилдорлиги ҳам пасайиб кетган эди. Умуман бригада бўйича бултур пландаги 674 тонна ўрнига 594 тонна маҳсулот топширилди, холос. План 88 процентда қолиб кетди. Тайёрланган маҳсулот таннархи анча юқори бўлди. Шу боисдан ҳам назоратчилар талаби билан бригада бошлиғи О. Пирматов ишдан олинди.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ ГРУППАЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ

Бригада тажрибали мутахассислар билан мустаҳкамланди. 7-бригадада ҳам мана шундай ташкилий тадбирлар амалга оширилди.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар ҳисобот даврида колхоз назоратчилари бажарган ишларни мамнуният билан тилга олдилар. Айни пайтда моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, назоратнинг ошқоралигини таъминлаш бўйича бир қатор фойдали таклифларни ўртага ташладилар.

— Машина-трактор паркида 9 кишидан иборат халқ контроли пости ишлаб турибди, — деди музокарада сўзга чиққан колхоз бош инженери А. Аҳмадхўжаев. — Пост аъзолари ёнилғи—мойлаш материаллари сарфиёти устидан пухта назорат ўрнатганлар. Айни пайтда сувдан оқилона фойдаланишга ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшяптилар. Ўрнатилган 13 та насос сизот сувларини экинзорларга чиқариб бермоқда. Ҳозир яна 3 та насос ўрнатишга тайёргарлик кўряпмиз. Қўлимиздаги мавжуд техника воситаларини асраб-авайлашимиз, улар умрини узайтиришимиз керак. Пост аъзолари бундан буён техникадан қай даражада фойдаланилаётганлигини текшириб боришлари лозим.

Сут соғувчи Л. Едгорова фермаларда осеменаторлик хизматини яхшилаш зарурлигини уқтирди. Ўтган йили колхоз бўйича ҳар 100 бош сигирдан 90 тадан бузоқ олинди. Бу чорвадорларни қониқтирмаяпти. Бузоқ олишни кўпайтириш билан зотдор сигирлар сонини ошириш мумкин. Сигирларни контроль соғиш устидан ҳам назорат ўрнатиш зарур. Шунда сут миқдори сезиларли даражада кўпаяди.

Бригада бошлиғи А. Аҳмедов, теплица хўжалиги ишчиси Н. Усмонов, шофёр Х. Азимов ҳам бажарилган ишларга танқидий баҳо бериб, асосий эътиборни ишга солинмаётган резервларга қаратдилар. Хўжалик икки йилдан бери мева ва узум етиштириш планларини бажармай келаяпти. Ўтган йили сабзавот ва картошка етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш группа аъзоларининг муҳим вазифасидир. Бунинг учун аввало қолоқ бригадаларни илғорлар даражасига етказиб олиш лозим бўлади. Ўтган йилда ўнта сабзавотчилик бригадасидан 5 тасида картошка ҳосилдорлиги колхоз даражасидан анча паст бўлди.

Чорвачиликни ривожлантиришда ҳам сусткашликка йўл қўйиляпти. Ўтган йилда гўшт, сут, тухум етиштириш 1981 йилга нисбатан 5 процент кўпайди, холос. Ваҳоланки, чорва маҳсулотларини 10—20 процент кўпайтириш вазифа қилиб қўйилган эди. Колхозда чорва моллари, паррандалар сонини кўпайтиришга ҳам эътиборсизлик билан қараляпти. Семирмаган молларни ички эҳтиёж учун сўйиб юборилишига, сигирларнинг қисир қолишига йўл қўйилмоқда.

Колхозда ҳар ўн меҳнаткашнинг бири назоратчидир. Бу катта куч. Колхоз партия ташкилоти группа фаолиятини активлаштириши керак. Ҳисобот даврида партком мажлисларида группа фаолияти икки марта муҳокама қилинибди холос. Бу жуда ҳам оз. Цех халқ контроли группалари ва пост раҳбарлари ҳисоботларини мунтазам тинглаб бориш, уларга зарур амалий ёрдам кўрсатиш, ҳар бир текширувнинг таъсирчанлиги ва ошқоралигини таъминлаш, назоратнинг тарбиявий ролини ошириш устида қайғуриш керак.

Халқ назоратчилари билан тез-тез учрашиб туриш, уларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиш, айни пайтда йўл-йўриқ кўрсатиб бориш зарур. Назоратчиларнинг ташаббуслари қўллаб-қувватланиши, текширув якунлари партия комитети ва колхоз правлениеси йиғилишларида мунтазам равишда қараб чиқилиши, аниқланган камчиликларни тугатиш ва тартиб ўрнатиш юзасидан конкрет чоралар кўрилиши лозим. Шунда назоратнинг таъсирчанлиги яна ҳам ошади.

Йиғилишда колхоз халқ контроли группасининг янги состави сайланди.

М. АКБАРОВ,
Бекобод райони.

● Область снёсий маориф уйида марксча-ленинча таълим пропагандистлари учун тез-тез семинарлар ўтказиб турилади. Бу ерда улар методик маслаҳатлар олишади, ўзаро тажриба алмашадилар.

Суратда: пропагандистлар область снёсий маориф уйида ўзаро тажриба алмашмоқдалар.

В. Портнов фотоси.

НАКАЗЛАР АМАЛДА

Баҳористон қишлоқ Совети депутатлари С. Имомов, А. Умарова ва С. Худойбердиевлар қурилиш ва ободонлаштириш бўйича наказларни бажарганликлари тўғрисида сайловчиларга ахборот берди. Қишлоқда фельдшерлик-акушерлик пункти, гўшт дўкони қуриб фойдаланишга топширилди. «Ленинград» совхозининг 4-бўлимида эса 700 нафар ўқувчига мўлжалланган ўрта мактаб биноси эса яқинда фойдаланишга топширилади.

М. АКБАРОВ,
Бекобод райони.

ТҮИХАТ ҮРНИДА

ИНЖЕНЕРЛАРГА МУРАББИЙ



Профессор Искандар Сулаймоновни Тошкент политехника институтини тугатган, ҳозир у ерда таълим олаётган барча талабалар, профессор-ўқитувчилар коллективи ҳақиқий инсон, қобилиятли олим сифатида эъзозлайдилар. Олимлар бор, қилаётган ишлари, феъл-атворлари ўз коллективи аъзоларигагина маълум. Маҳалла-кўй, таниш-билишлар бундай одамларга ишора қилиб «Яхши олиму, одамга қўшилмайди-да» деб қўл қолади. Искандар ака Сулаймонов таниш-билишлар, маҳалладошлар орасида шинаванда, кўпчилик билан бирга қувониб, қайғусини ҳам баҳам кўраоладиган меҳрибон ва дилкаш инсон сифатида танилган. Олимни Тошкентдаги «Беруний» маҳалла аҳли маҳалла комитети раисининг ўринбосари қилиб сайлаган. Искандар ака бу ерда бўладиган жаъми оммавий тадбирларга бошқош бўлаяпти, каттани ака, кичикни ука, «ўғлим-қизим деб, маслаҳатини улардан аямаяпти.

Искандар Сулаймоновнинг касби анча мураккаб. У Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институтида «Машина деталлари ва юк кўтариш машиналари» кафедрасининг мудири бўлиб ишлайди. Техникага бўлган ҳавас 10-синфни тугатган ёш йигитни Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтига киришга ундади. Бўлажак олим институтни аъло баҳолар билан тугатгач, ўқишни давом эттиришга, илмий-техника тараққиёти даврига монанд мутахассис бўлишга шайланди.

Ёш мутахассис аспирантура курсини Ленинградда битирди. Етук олимлардан машинасозлик илмининг нозик томонларини ўрганди. Унинг изланишлари самарали якунланиб, техника фанлари кандидати илмий даражасини олди. Мана, қарийб 20 йилдан бери у Халқлар дўстлиги ордени Тошкент политехника институтида ўқитувчилик қилмоқда, халқ хўжалиги учун инженер кадрлар етиштиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

И. Сулаймонов педагогик фаолиятини илмий тадқиқотлар билан биргаликда давом эттиряпти. У 80 га яқин илмий, илмий-оммабоп мақолалар муаллифи ҳамдир. 1975 йилда унинг ўзбек тилида «Машина деталлари» номли дарслик китоби чоп этилди. Ҳозирги пайтда олим янги проблемалар устида тадқиқот ишларини олиб бормоқда. «Қишлоқ хўжалиги чиқиндилари асосида яратилган композицион материаллардан машинасозликда фойдаланиш» деб аталган бу илмий иш маҳаллий хом ашёлардан унумли фойдаланиш йўлларига бағишланган. Яқинда эса Искандар Сулаймонов сценарийси асосида «Чиқиндидан — деталь» номли илмий-оммабоп фильм яратилди. Республикамизда машина деталлари ҳақида гап борар экан, дастлаб Искандар Сулаймонов ва у яратган мақолалар тилга олиниши табиийдир.

«Ўзбек Совет Энциклопедияси»даги машина деталларига оид мақолаларни ҳам И. Сулаймонов ёзган. Олим Ўзбекистон ССР Олий ва Ўрта махсус таълим министрлиги ҳузуридаги техника фанлари секторида «Механизм ва машиналар назарияси, машина деталлари» секциясининг илмий секретари, қатор илмий советларнинг аъзоси ҳамдир.

1982 йили Искандар Сулаймоновга инженер кадрлар етиштириш, дарсликлар, методик қўлланмалар, илмий мақолалар яратишдаги фаолиятини ҳисобга олиб профессор унвони берилди.

И. Сулаймонов фақат машина ва уларнинг деталлари ҳақидагина эмас, кишилар, уларнинг урф-одатлари, маданияти ҳақида ҳам мақолалар ёзмоқда. «Зангори экран» орқали Искандар ака «Тўйларимиз ҳақида ўйларимиз» номли туркум кўрсатувларни олиб борди. У яхши удумлар ҳақида гапирибгина қўя қолмай, уларни ўзи яшаётган маҳалла қаётида ҳам амалий тадбиқ қилмоқда.

Олимнинг самарали педагогик фаолияти қатор медаллар, Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Унинг учун энг катта мукофот — халқнинг ҳурмати, шогирдлар эъзозидир. Муборак 50 ёшини қаршилаётган устоз муаллимга сиҳат-саломатлик, илмий ишларида янгиянги ютуқлар тилаймиз. Унинг бу камолот ёши, илмфан соҳасидаги эришган муваффақиятлари нурли довонлар каби қаётнинг бераб турибди.

С. НИҒМАТУЛЛАЕВ.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ОЧИҚ ХАТЛАР КУНИ

КЕНГ ОММА ИШТИРОКИДА

«Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси Оҳангарон район партия комитети ва район ижроия комитети билан ҳамкорликда «Оҳангарон» совхозида «Очиқ хатлар куни»ни ўтказди.

СОВХОЗ клубида ўтган бу йиғилишни район партия комитетининг биринчи секретари К. Икромов очиб, район меҳнаткашларининг КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленумида қабул қилинган «Озиқ-овқат программаси»ни бажаришга қўшаётган ҳиссалари, районда турган катта сиёсий ва хўжалик вазифаларига батафсил тўхталди. Ўтган йилги об-ҳаво қийинчиликларига қарамай район меҳнаткашлари давлатга 6200 тонна галла, 9704 тонна гўшт, 9513 тонна сут, 5912 минг дона тухум, 52 минг 368 тонна сабзавот ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари сотдилар.

Бу йил ҳам улар олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. 7 минг тонна галла, 60 минг тонна сабзавот, 18 минг тонна картошка, 13 минг 910 тонна гўшт, 11 минг 850 тонна сут ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш учун қизғин кураш кетаяпти. Белгиланган марраларни эгаллаш учун ҳар бир хўжаликда ишни пухта ташкил қилиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, деҳқонлар ва чорвадорларнинг моддий ва маиший шароитларини янада яхшилаш лозим.

Район партия ташкилоти, Совет органлари, корхоналар, ташкилотлар, совхозларда меҳнаткашларнинг таклифлари ва истакларини чуқур ўрганиб, уларда кўтарилган турли масалаларни ҳал қилишга жиддий эътибор беришмоқда.

Ўтган йили район партия комитети бюросида хатлар билан ишлаш масаласи уч марта кўрилди. Шунингдек, район ижроия комитети ҳам бу масалани сессия ва ижроком йиғилишларида олти марта муҳокама қилди. Хат ва шикоятлар, қабул пайтларида билдирилган таклиф, мулоҳаза ва илтимосларни қондиришнинг барча имкониятларидан тўлиқ фойдаланяпти.

Мунтазам равишда «Очиқ хатлар» куни»ни ўтказиш ҳам шу мақсадга хизмат қиляпти. Мана, бугунги тадбир ҳам ана шу кунларнинг давоми. Уни ўтказишга алоҳида пухта тайёргарлик кўрилди. Тушган саволлар уларда кўтарилган масалаларнинг мазмунига қараб тегишли ташкилотларга тарқатиб берилди. Аниқ-равшан жавоб бериш учун бугунги йиғилишга район партия комитетининг бюро аъзолари, район ижроия комитетининг раҳбарлари ва барча бўлим мудирлари таклиф қилинганлар.

Меҳнаткашлар хатларидаги саволларига жавоб бериш учун минбарга халқ депутатлари район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ П. З. Ғиноненко чиқади. У хатни ўқиб, жавоб беради.

«Шу йил 1 январдан бошлаб «Оҳангарон» совхози марказ билан 3-бўлимнинг Тут қишлоғи оралиғида автобус маршрути очилишини ваъда қилишган эди. Негадир бу ваъда ҳам илгариларига ўхшаб амалга ошмай қолди?».

— Хатда билдирилган эътироз ҳаққоний. Район ижроия комитетига Тут қишлоғида яшовчи аҳолидан бир неча бор шикоят тушган. Янги автобус маршрутини очишдан илгари шу йўлдан қатновчи кишиларнинг хавфсизлигини таъминлаш тадбирлари кўрилиши керак эди. Бу бир-икки кун ичида ҳал бўладиган иш эмас. Кўчаларни автобус юриши учун мослаштириш, бундан ташқари область давлат автомобиль инспекциясидан рухсатнома олиш, пассажирлар ташиш область автотрести бошқармаси билан шартнома тузиш лозим. Ана шу тадбирларнинг ҳаммаси ниҳоясига етказилди. Узоғи билан 10 кун ичида бу маршрутда автобус қатнови йўлга қўйилади.

«Совхоз марказидаги болалар боғчасини кенгайтириш планлаштирилган эди. Совхоз ишчиларининг 75 ўғил-қизлари навбатда турибди. Бу тадбир қачон амалга оширилади?».

Бу саволга район ижроия комитети раисининг ўринбосари К. Тўрақулов жавоб берди. Унинг айтишича Нуробод қишлоғида қурилаётган мактаб биноси битгач, совхоз марказидаги музика мактаби ўша ерга кўчирилади. Шундан кейин унинг биноси боғчага бўштатиб берилади. Ҳозир совхоз территориясида 630 ўринли болалар боғчаси ишлаб турибди. 1985 йилгача яна 280 ўринли боғча қурилиб фойдаланишга топширилади.

Аммо К. Тўрақуловнинг жавоби совхоз раҳбарларига ҳам, «Очиқ хатлар куни»да иштирок этаётганларга ҳам маъқул тушмади. Чунки масалани бошқача ҳал қилишнинг имконияти бор.

Масалан, музика мактабида илгари 510 ўқувчи бор эди. Ҳозир у ерда 200 га етар-етмас ўқувчи бор. Мактабнинг 10 та синфхонаси бўш турибди. Бунинг устига совхоз бу бинони дастлаб шифохона учун қурган бўлса, кейин у музика мактабига айлантирилди. Ҳозир эса бу бино совхоз балансида. Шундай бўлгандан кейин яна боғчанинг кенгайтирилишини кутмасдан навбатда турган совхоз ишчиларининг ўғил-қизларига шу бўш хоналар ажратилса район ижроия комитети тўғри йўлни тутган бўлар эди.

«Тут, Қорахитой ва Охунбобоев номли қишлоқ аҳолиси обуна бўлган газета ва журналларини кўпинча вақтида олишмайди. Уларнинг айрим сонлари йўқолиб кетади, шунингдек мавжуд радио тармоқлари ҳам нормал ишламайди. Телефон алоқаси мутлақо талабга жавоб бермайди».

— Газета-журналларни вақтида етказиб бериш тадбирлари кўрилмоқда, —дейди район алоқа бўлимининг бошлиғи А. Абдурахмонов. — Биз бу савол бўйича текшириш ўтказдик. Биронта уйда почта қутиси йўқ. Агарда ҳар бир хонадонда почта қутилари ўрнатилса, газета ва журналларни йўқолишига барҳам берилади.

Ҳозир совхоз территориясида 640 хонадон радиолаштирилган. Уларнинг 40 проценти мунтазам ишламаслигининг сабаблари бор. Янги радиоузел олинди. У ҳозир қурилмоқда. Узоғи билан 15 кун ичида бу муаммо бартараф этилади.

Телефон станцияси бизда ҳозирча йўқ. Шаҳримиз эса кундан-кунга кенгаймоқда. Келгуси йили Нурободда қурилаётган станция ишга туширилади. Шундан сўнг телефон алоқаси яхшиланади.

Район марказий касалхонаси иши билан боғлиқ бўлган қатор саволларга бош врач ўринбосари А. Исроилов жавоб қайтарди. Ана шу савол ва жавобларнинг баъзиларини кўрсатиб ўтамиз:

«Совхозда 12 мингдан кўпроқ аҳоли яшайди. Уларга биттагина тез ёрдам машинаси ажратилган. Уни чақирилса бир ярим-икки соат, ҳатто ундан ҳам кўпроқ вақт кутишга тўғри келади?».

— Иккинчи кварталда совхоз аҳолисига медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш учун яна битта тез ёрдам машинаси ажратилади.

«Совхоз аҳолисига медицина хизмати кўрсатишда малакали врачлар етишмайди. Бу муаммо қачон ҳал бўлади?».

— Тўғри, Қорахитой қишлоғида педиатр, Нурободда — терапевт врач етишмайди. Бу масала иккинчи ярим йилликда ҳал этилади.

«Учинчи автопарк ва лиги Ангрен ГРЭСига қарашли автомашина шофёрлари Тут ва Қорахитой қишлоқларида кўпинча ичкиликбозлик қилишади. Бунга улар ишлайдиган ташкилотларнинг раҳбарлари билишадими? ГАИ ходимларичи?».

— Шофёрларнинг бундай ножўя хатти-ҳаракатларига барҳам бериш учун ГАИ ходимлари билан биргаликда кескин чоралар кўрилади, — дейди автопарк директори Ю. П. Бурма.— Ҳамма машиналар ишдан ташқари вақтда автопарк гаражида бўлиши таъминланади ва бу масала қаттиқ назорат остига олинади.

«Оҳангарон йўл эксплуатацияси бошқармасининг ходимлари йўлни кенгайтириб, совхознинг 4-бўлимига сув келадиган ариқни кўмиб юборди. Ариқ очиб бериш уларнинг хаёлларига ҳам келмаяпти. Натижада совхознинг 100 гектардан кўпроқ экин майдони сувсиз қолмоқда?».

Бу эътирозга йўл эксплуатацияси бошқармаси бошлиғи Қ. Эгамов берган жавоб «Очиқ хатлар куни»да иштирок этаётган бирон кишини ҳам қаноатлантирмади.

— Йўлларнинг равон бўлиши, машиналар қатнови учун қулай ва кенгроқ бўлишига ҳеч ким қаршилик кўрсатмайди. Лекин Қ. Эгамов бошлиқ бошқарма ходимлари қўлларидаги план бўйича кўчани кенгайтириш ишини ўзларича бажаришаверган. Оқибатда йўл ҳар икки томонга 2 метру 25 сантиметрдан кенгайтирилиб, 4-бўлимга сув келадиган ариқ кўмиб ташланган.

Совхоз ариқ четидаги терак кўчатлари учун пул сарфлаган. Шунча йил парвариш қилган . Кўчанинг кенгайтирилиши туфайли совхоз тераклари йўл эксплуатацияси бошқармаси балансига ўтиб қолган. «Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир» деганларидек бошқарма бошлиғи Қ. Эгамов: «теракларг бизнинг баланса, ҳоҳласак кесамиз, хоҳламасак тураверади» деб жавоб бериши, албатта мантиқсиз, раҳбарга ярашмайдиган бачкана гап.

Совхоз идораси шундоқ йўлнинг четида. Сув оқадиган ариқни кўмишдан олдин йўл эксплуатацияси бошқармасининг ходимлари, совхоз раҳбарлари билан маслаҳатлашганда ўтган йили 100 гектардан кўпроқ майдон сувсиз қолмаган, бунинг устига шунча йилдан бери гуркираб ўсиб келаётган тераклар қурий бошламаган бўлар эди. Янгидан ариқ қазиб сув чиқариш яна совхоз зиммасига эмиш!

Совхоз директори У. Умурзоқовнинг эътироз билдирганича бор. Йўл қўйилган бу камчиликни ким бартараф этиши лозим? Ахир ариқни кўмишдан олдин йўл қурилиши эксплуатацияси бошқармаси ходимлари худди шундай сув йўлини қуриб беришни таъминлашлари лозим эди-ку?!

«Очиқ хатлар куни»га тайёргарлик даврида тушган 37 та ёзма аризадан ташқари бевосита йиғилиш президиумига турли соҳаларга таалуқли қатор оғзаки саволлар ҳам берилди.

Савол билан мурожаат қилганларнинг кўпчилиги шу ернинг ўзида қониқарли жавоб олишди.

— Йўл қурилиши ва ремонтидаги муаммолар, медицина, боғча, мактаб, ободонлаштириш, алоқа, савдодаги айрим нуқсонлар ҳақида билдирилган таклиф ва истаклар, эътирозлар эътибордан четда қолмайди — деди район партия комитетининг биринчи секретари К. Икромов. — «Очиқ хатлар куни»да кўтарилган ҳар бир масала атрофлича ўрганилиб, район партия комитети бюросида кўрилади ва ҳал қилиш учун мутасаддиларга топшириқлар берилади.

Саволларда билдирилган истак, таклиф ва мулоҳазаларнинг амалга оширилиши, эътирозларнинг бартараф этилиши йил охиригача район партия комитетининг назоратида бўлади.

«Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси ва халқ депутатлари район Совети билан ҳамкорликда ўтказган «Очиқ хатлар куни» қизғин баҳсга, очиқчасига фикр олишувлар, танқид ва ўз-ўзини танқид ҳамда очиқчасига гаплашиш руҳида ўтганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

А. МИРЗААҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

БРИГАДА ПУДРАТИГА КЕНГ ИЎЛ

ЁШПАСИГА ЯНГИ УСУЛГА

Корхонамизда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада усулида иш юритишнинг афзалликлари амалда синаб кўрилганига анча бўлди. Шундан бери янги усул асосида иш юритишга ўтаётган бригадалар сафи ортиб бормоқда.

Кейинги пайтларда бригада пудрати асосида иш кўраётган бир неча коллективларни бирлаштириб, улардан комплекс бригадалар ташкил этиш анча мақсадга мувофиқ эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Хусусан ишда бевосита бир-бирига боғлиқ бўлган қатор бригадаларни бирлаштиришга қарор қилдик. Шу тариқа эндиликда бир неча бригадага ягона наряд — яъни ишнинг пировард натижаларига кўра ҳақ тўланадиган бўлди. Бундай пайтларда хом ашёлар, ярим тайёр маҳсулотлар етказиб беришдаги узилишлар, бекор туриб қолишлар ниҳоятда борча камайтирилади. Энг муҳими кейинги пайтларда ташкил этилган ана шундай комплекс бригадаларда ишчилар сони деярли ўн кишига қисқартирилган бўлишига қарамай аввалги белгиланган ҳажмдаги ишлар бемалол уддаланяпти.

«Союзмашхлопководство» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналари ўртасида заводимизда биринчи бўлиб техник назорат хизматларидан ҳам комплекс сирғанувчан бригадалар ташкил этила бошланди. Айни пайтда корхонамиз барча цехларида ана шу тартибга ўтиш жараёни тугалланяпти.

Эндиликда цехларда назоратчилик функцияларини бажараётганлар 26 кишига камайди. Демак, шунча ишчи бошқа участкаларда ёрдам кўрсата бошлади.

Комплекс бригадалар ташкил этиш билан бир вақтда план-иқтисод бўлинмаларининг иш услубига ҳам ўзгартишлар киритишга тўғри келди. Амалда бажарилган ишнинг ўлчов бирлиги сифатида эндиликда деталлар эмас, балки яхлит комплектлар ҳисобланиб шунга яраша иш ҳақи ёзила бошланди. Лекин, 100 хил номенклатурадан биттагина деталь ҳам охирига етказилмаса иш тўла бажарилмаган деб ҳисобланадиган бўлди. Натижада ҳар бир ишчи қилинаётган ҳаракатнинг пировард натижаси кўнгилдагидек бўлиши учун курашмоқда.

Бугунги кунда цехдаги энг серташвиш касб — мастерлик десак муболаға бўлмайди. Албатта, унинг ишчиларни жой-жойига қўйиш, ҳар бирига муайян вазифасини топшириш, дангасаларни тергаб туриши учун ҳожат йўқ — буларнинг ҳаммасини бригада ўз зиммасига олган. Лекин, бригадалар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, технологлар билан бригадикда янги техника, илғор иш усулларини ишлаб чиқаришга жорий этиш унинг бевосита вазифаси бўлиб қолди.

Бригада усули корхонамизда оёққа турганига мана 7 йил бўлди. Шу вақт ичида бу янги усул заводимиз учун қандай самаралар келтирди, деган саволга ҳозирга келиб ҳеч қийналмай жавоб бера оламиз. Ана шу янгилик туфайли меҳнат унумдорлиги заводимизда умуман тармоқдагига нисбатан тезроқ ошмоқда. Кадрлар қўнимсизлиги ҳамда ишчилар айби билан вақтнинг йўқотилиши 50 процентга камайди. Ишларнинг маҳорат чўққиларни эгаллашлари икки марта тезлашди. Ўтган беш йиллик ҳамда ўн биринчи беш йилликнинг икки йилида 500 минг сўм маблағ иқтисод қилинди.

Албатта, ютуқлар ҳақида ҳар қанча гапирса оз. Лекин шунга қарамай бригадалар сонига нисбатан олганда бу ютуқлар ҳам қувонгудек эмас. Ҳозирча барча участкаларда шундай комплекс бригадалар тузиш масаласига жиддий ёндошилмаяпти. Шу сабабли ҳам бригадаларда мунозарали вазиятлар юзага келмоқда, меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби бузиляпти, айрим холларда янги усул асосида ишлашга яхши тайёрланмаган бригадаларда ўзаро келишмовчиликлар учраб турибди.

Айрим коллективларда бригада пудрати бу — аввало иш ҳақини оширишнинг бир йўли холос, деган тушунча ҳукмрон. Тўғри, бундай бригадаларнинг олаётган маоши бирмунча юқори. Лекин, айнан шу коллективларда меҳнат унумдорлиги, иш сифати кескин ошаётганлигини ҳеч ким инкор эта олмайдику. Шундай экан, бригада методини кенгроқ ёйиш билан бир қаторда коллективларни меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг янги усулига ўтишга ҳар томонлама тайёрлаб бориш керак экан.

В. КЛЕМЕНТЬЕВ,
«Ташсельмаш» заводи меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақи бўлимининг катта инженери.

ХАБОРОТ
ОБЛАСТИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИДА

ПАХТАЧИЛИКНИ БИЛАСИЗМИ?

Районда меҳнат таълими—қишлоқ хўжалиги машиналарини бошқариш, ғўза агротехникаси қоидаларига тўла-тўкис риоя қилиш бўйича область биринчилиги учун олимпиада мусобақалари бўлиб ўтди. Маҳорат ва билимдонлик кўригида райондаги С. Айний номли 15-мактабнинг юқори синф ўқувчиси Тўлқин Турсунов ғолиб чиқиб, олимпиаданинг биринчи даражали совринини қўлга киритди.

А. НАБИЕВ.

КИТОБХОНЛАР САФИ ЎСМОҚДА

Районда йил сайин бадиий адабиёт ихлосмандлари кўпайиб бормоқда. Ҳозир жойларда ишлаб турган 54 кутубхона 42 мингдан ортиқ ўқувчига эга.

Республикамизнинг таниқли адиблари билан учрашувлар, турли мавзулардаги конференцияларнинг мунтазам равишда ўтказиб турилиши кутубхоналарни меҳнаткашларнинг севимли масканига айланишига ёрдам бермоқда.

М. ФАТТОҲОВ.

ОТА-ОНАЛАР МАМНУН

Ўзбекистон шоличилик илмий-текшириш институтининг «Колосок» болалар боғчасида 160 нафар кичкинтой тарбияланмоқда. Меҳнаткаш ота-оналар, айниқса, М. Аҳмедова, Г. Саёқубова каби мураббиялар, К. Султонова, О. Виноградова сингари моҳир ошпазлар хизматидан мамнун бўлишмоқда. Бу жонкуяр тарбиячилар кичкинтойларнинг ҳар бир кунини сермазмун ва қувноқ ўтиши учун меҳр-муҳаббатларини алмаётирлар.

М. ШАРОПОВА.

ҚУШИҚЛАРДА МЕҲНАТ ТАРОНАСИ

«Ленин йўли» колхози раиснинг маданий ишлар бўйича муовини Мавлон Шоҳобиддинов раҳбарлик қилаётган бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзолари асосан ёшлардан иборат. Шу боисдан ҳам ансамбль репертуаридан кенг ўрин олган ранг-баранг концерт программаларида ёшлик ва бахт, орзу ва муҳаббат, меҳнат ва садоқат ғоялари таранум этилади. Меҳнаткашларга Ш. Эрматова, Қ. Шарипов, Г. Салимова, М. Шофозилов, М. Файзуллаев, Р. Эргашев сингари ҳаваскорлар ижросидаги дилрабо қуй, ва қўшиқлар, жозибали рақслар манзур бўлмоқда.

М. НАЗАРОВА.

БИЗНИНГ СУҲБАТ

ИТТИФОҚДА ЯГОНА

Республика халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг қишлоқ хўжалигига бағишланган павильони янги экспонатлар билан бойимоқда. Шулардан бири Узбекистон луб толали ўсимликлар устида илмий тадқиқот ишларини олиб борувчи тажриба станциясида яратилган каноп етиштиришга оид экспозициядир. Маълумки, бу ўсимлик Иттифоқимиз миқёсида фақат Тошкент областидагина ўстирилади. Узбекистон тажриба станцияси бу борада асосий етакчилик ролини ўйнамоқда. Станциянинг амалга ошираётган ишлари ҳақида станция директори Х. НАЗИРОВ, агротехника лабораториясининг бошлиғи Ф. САИДБУРХОНОВ ва ўсимликларни ҳимоя қилиш лабораториясининг мудири Х. ТЎХТАЕВАЛАР қуйидагиларни гапириб беришди:

— КАНОП ўсимлиги республикамизда 1925 йилдан буён етиштирилмоқда. Ўша вақтлардаги ҳосилдорлик гектарига 3 центнерни ташкил этарди. Унинг асосий сабаби эса Узбекистон шароитига мослаштирилган навларнинг йўқлигида эди. Лекин 1930 йилга келиб республикада каноп ҳосилдорлигини ошириш мақсадида мазкур станциямиз ташкил топди. Ана шу даврдан буён илмий ходимларимиз каноп селекцияси, агротехникаси устида иш олиб боришмоқда. 1930—1935 йиллар оралиғида республикамиз шароитига мослаштирилган каноппнинг янги 1187 нави яратилди. Унинг дунёга келишида Тошкент Давлат университети, қишлоқ хўжалик институти, Шредер номли узумчилик, мевачилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси олимларининг ҳам ҳиссаси катта бўлди. Бу нав кўплаб етиштиришга тавсия этилиб, бизнинг станциямиз унинг агротехникаси, унга ўғитларни қўллаш ва суғориш ишларини илмий жиҳатдан ишлаб чиқди.

1965 йили станциямиз 1574 навини яратди. Бунинг олдинги навлардан афзаллиги ҳосилдорликнинг улардан 50—60 центнердан юқори эканлигида эди. 1974 йилга келиб яна бир 1503 нави ҳам ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Ҳозирги кунда ана шу нав барча хўжаликларда экилаяпти.

Кейинги йилларда станциямиз олимлари каноппнинг яна янги навларини яратиш устида тинмай изланишяпти. Селекционер Н. Филушкин раҳбарлигида ҳозирда яна бешта янги нав давлат синов комиссиясидан ўтаяпти. Бу навлар аввалгиларига қарагандa поясидан 15—20 центнердан ва толасидан эса 2—2,9 центнердан юқори ҳосил беради.

Станциямиз агротехника лабораторияси ходимлари томонидан 9—10—12 далали алмашлаб экиш системаси ишлаб чиқилди. Ҳозир бу усул каноп етиштирувчи барча хўжаликларда қўлланилмоқда. Бунда 3 дала беда, 3—4—5 каноп, 3—4 дала эса пахта билан банд бўлади. Уч йиллик беда ҳайдалгандан сўнг пахта экилиши даркор. Шундан сўнггина каноп экилади. Ана шундай алмашлаб экиш натижасида каноп ҳосилдорлиги 17—20 процентга ошади. Тажрибалар шуни кўрсатаяпдики, агар далаларга 3 ва ундан ортиқ йил мобайнида каноп экилса, унда ўсимлик илдиз чириш касаллиги ва галл нематодаси билан қаттиқ зарарланади. Ҳосилдорлиги эса кескин камаяди. Каноппнинг пахта билан алмашлаб экишнинг афзаллиги шундаки, пахта галл нематодаси, каноп вилти билан зарарланмайди.

Лабораториямизнинг сўнгги йиллардаги ишларидан яна бири шуки, бир йиллик ўтлар кўпайиб кетганда икки ярусли плуглар билан ҳайдаш агротехникасининг ишлаб чиқилишидир. Бу ҳам яхши самара бермоқда. Бу тадбирни ўтказишда ПЯ—3—35, ПД—3—35 плугларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг афзаллиги шундаки, икки ярусли плуг ер устидаги бегона ўт уруғларини кўмиб юборади. Ерларга солинган минерал ўғитлар эса бир текисда жойлашади.

Аввалари каноп 3—4 қаторлаб экилиб, ҳар гектар ерга 50—55 килограммгача уруғ сарфланарди. Яқинда олимларимиз бир қатор ва узунасига қўш қаторлаб экиш системасини ишлаб чиқишди. Ана шу схема бўйича иш юритилганда ҳар гектар ердан 21—25 килограммгача уруғни тежаб қолиш мумкин бўлади. Бунинг натижасида эса ҳар гектар ердан 200 сўмгача тежаб қолишга эришиш мумкин. Агар ҳосилдорликнинг ошиши ҳам қўшиб ҳисобланса ҳар гектар ердан 500—550 сўмгача самарадорлик бўлади.

Каноп ҳосилдорлигини оширишда ўсимликларни ҳимоя қилиш лабораториясида ҳам диққатга сазовор ишлар амалга ошириляпти. Маълумки, далаларни бегона ўтлар босиши каноп ҳосилининг камайиб кетишига олиб келади. Улар ўсимликнинг озуқа моддаларига, сув ва ёруғликка шерик бўлиб, дала ишларини ўтказишга ҳалақит беради. Шунингдек, бегона ўтлар қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликларни тарқатувчи манба ҳамдир. Олабута, шўра каби ёввойи ўтлар каноп ниҳолларини 2—3 баравар кўп хоҳлайди. Шунинг учун бундай ўтлар далаларда кўп бўлса, ҳайдашдан олдин ёки ҳайдаб бўлингандан сўнг гербицидларни сепиш зарур. Уларнинг миқдори гектарига 40 килограммдан бўлади. Бу препарат ажриқни 70 — 75 процент, ғумайни эса 50—60 процентгача камайтиради. Каторан прометрин ва тредолланни қулай муддатларда қўллаш эса бир йиллик ўтларни 80—95 процентгача йўқотиш имконини беради. Булар каноппнинг ўсиши ва ҳосилдорлигига зарар етказмайди. Аксинча ҳар гектар ердан ўртача 10—12 центнердан қўшимча ҳосил олиш шароитини яратади.

Бу препаратлар ҳосилдорликни оширишдан ташқари майдонларни ўтоқ қилишга кетадиган қўл меҳнатини ҳам икки-уч марта камайтиради. Гербицидларни қўллашдан келадиган умумий иқтисодий самара гектар ҳисобига 200—300 сўмни ташкил этади.

Канопга бир неча турдаги ўсимлик битлари ҳам зарар етказади. Айниқса беда, акация, ғўза ва полиз битлари хавфлидир. Улар каноп баргларининг ширасини сўради. Ана шу зараркунандаларга қарши эса «БИ-58» препаратини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Қ. ЭРДОНОВ.

● БУСТОНЛИК районидаги Жданов номли колхознинг илғор сут соғувчиси Жорқин Абдураҳмонова 12 йилдирки, чорвадорлик касбини эъзозлаб келяпти. Қарамоғидаги говмушларни меҳр билан парваришқилаётган Ж. Абдураҳмонова йилдан-йилга улардан мўл ва сифатли сут соғиб олмоқда. Ўтган йили 27 бош сигирнинг ҳар биридан 3628 литрдан сут соғиб олиб мусобақада ғолиб чиқди. У ўн биринчи беш йиллиннинг учинчи йилида говмушлар маҳсулдорлигини 4000 литрга етказиш учун курашмоқда.

Суратда: Ж. Абдураҳмонова.

В. Портнов фотоси.

ҲАМ ГЎШТ, ҲАМ САБЗАВОТ

Ёрдамчи хўжалик ташкил этишга ўтган йилнинг ёзида киришган эдик. Албатта, бунинг учун пухта тайёргарлик кўрилди. Бутун коллектив унда қатнашди. Ҳар бир ишчи-хизматчи, инженер-техник ходим бу муҳим ишдан четда қолмади, унга ҳисса қўшишни ўзининг бурчи деб билди. Шунинг учун ҳам чорва парвариш қиладиган иншоотларни барпо этишда ишчи кучидан қийналмадик. Тез-тез умумколлектив ҳашари уюштириб турилди. Ишчиларимиз бўш вақтларида ўз хоҳишлари билан қурилишга қарашиб турдилар.

Ҳамманинг аҳил ва иноқ бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб ишга киришиши туфайли иншоотларимиз тез барпо этилди. Қисқа вақт ичида молхона, чўчқахона қурилди, ем-хашак сақланадиган иккита омборхона тахт қилинди.

Биз ёрдамчи хўжалигимизни ташкил этишда бунинг учун ажратилган ер майдонининг табиий тузилишлардан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор бердик. Айниқса, табиий сув ҳавзалари жуда қўл келди. Уларда ўрдакчиликни йўлга қўйишга қарор қилдик. Паррандачиликнинг бу тармоғини барпо этишга айтарлик кўп маблағ сарфланмаса ҳам бўлади. Шуни ҳисобга олиб икки мингта ўрдак сотиб олдик. Уларни парвариш қилишни зоотехника қоидалари асосида ташкил этдик. Натижада ўрдакларимизнинг тирик вазни тез ортиб борди. Ёил охирига келиб комбинат ишчи-хизматчиларига тўрт минг килограмм ўрдак гўшти етказиб берилди. Чорванинг бошқа турлари маҳсулотлари ҳам сотилди. Жумладан, 200 килограмм чўчқа, анчагина миқдорда мол гўшти ҳам етиштирилди.

Ҳозирги вақтдаги ёрдамчи хўжалигимиз кўптармоқли бўлиб, унда ўн беш бош қорамол, эллик бош чўчқа парвариш қилинмоқда, минглаб ўрдак боқиляпти. Бундан ташқари икки гектар ерда узумзорлар барпо этилиб, Чорванинг ем-хашак базаси мустаҳкамланмоқда. Бунинг учун уч гектар ер ажратдик. Бу майдонга кўп йиллик озуқа экиналари экилди. Бундан ташқари, озиқ-овқат қолдиқларини ҳам йиғиб олишни йўлга қўйдик. Шу мақсада барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз.

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИККА — ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР

Коллективимиз корхонамиз гўшт цехини кенгайтириш юзасидан қатор тадбирлар белгилаб, уларни бирин-кетин амалга оширмоқда. Бундан мақсад чорва молларини кўпайтириш ва уларнинг маҳсулдорлигини оширишдир. **Бу йил хўжаликдаги қора моллар сонини икки баравар кўпайтирмоқчимиз. Она чўчқалар сони яна ўн бош ортди.**

Табиий сув ҳавзаларида боқилаётган ўрдаклар сонини беш мингтага етказишни мўлжаллаб қўйдик. Чорвачиликнинг яна бир самарали тармоғи — қуёнчилик ҳам ташкил этилади. Бунинг учун махсус жой тайёрлаяпмиз. Бу ерда камида 100 бош қуённи парвариш қилишга киришилади. Натижада пархез гўшт тайёрлаш йўлга қўйилади. Биз балиқчилик хўжалигини ҳам ташкил этамиз. Йиллар ўтиб хўжалигимиз дурустгина озиқ-овқат цехига айланади. Корхонамиз ишчи-хизматчиларининг дастурхонини безашга, демак моддий турмуш шароитларини яхшилашга сезиларли даражада хизмат қиладиган бўлади.

Албатта, бундай хайрли режаларни амалга оширишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун анчагина миқдорда маблағ керак. Лекин, биз бунинг учун барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Чунки, бу соҳага сарфланган маблағ тез орада ўн, юз баравар бўлиб қайтиб келишини яхши биламиз. Айни вақтда мавжуд чорвачилик иншоотлари қувватларидан тўла фойдаланиб, озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришни муттасил кўпайтириб бораверамиз.

С. ЛАВРЕНТЬЕВ.

Эйвалек махсус темирбетон буюмлари комбинати ёрдамчи хўжалигининг зоотехниги.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

△ БУДАПЕШТ. Бу ерда Дунай комиссиясининг 41 сессияси иш бошлади. Сессияда комиссияга аъзо бўлган Дунай бўйи мамлакатлари: Австрия, Болгария, Венгрия, Руминия, Совет Иттифоқи, Чехословакия ва Югославия делегациялари, шунингдек БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг, Одер комиссиясининг, ГФР электр алоқа халқаро иттифоқи ҳамда транспорт министрлигининг вакиллари иштирок этишмоқда. Сессияда Дунайда кема қатнови билан боғлиқ бўлган навигация, гидротехника, статистика, гидрометеорология масалалари ва молиявий масалалар кўриб чиқилади.

△ КАРАКАС. Венесуэла соғлиқни сақлаш системаси ишчи ва хизматчиларидан 140 мингдан кўп киши ва маориф муассасалари ходимларидан 70 минг киши 24 соатлик забастовка эълон қилдилар. Улар иш ҳақи оширилишини, ишдан бўшатишларга чек қўйилишини ва коллектив шартномаларидаги қоидаларга риоя этилишини талаб қилмоқдалар.

△ КОТОНУ. Того пойтахти—Ломеда Африканинг ёш давлатларида малакали ёш кадрлар тайёрлаш проблемалари мавзуида конференция очилди. Конференцияда қитъадаги ўттиз мамлакат делегатлари иштирок этишмоқда.

(ТАСС).

ЯҚИН ШАРҚДА МУСТАҲКАМ ТИНЧЛИК УЧУН

ЛИССАБОН. (ТАСС). Португалия ва Ливан Компартияси Ливанга сепарат сулх тиқиштиришга уринишларни кескин қоралаб чиқди. Ливан Коммунистик партияси бош секретари Жорж Ҳави бошчилигидаги ЛКП делегациясининг Португалияга қилган визити якунлари юзасидан бугун имзоланган қўшма баёнотда бундай деб таъкидланади: Исроил қўшинлари босиб олинган араб территорияларидан чиқариб юборилган, фаластинлик араб халқининг қонуний ҳуқуқлари тан олинган ва мустақил Фаластин давлати ташкил этилган шароитдагина араб халқларининг ҳуқуқларини таъминлаш ва Яқин Шарқда мустаҳкам тинчлик ўрнатиш мумкин бўлади. Бунинг учун Ливан ва бошқа араб мамлакатларининг суверенитети ва территориал бутунлигини таъминлаш ҳам зарурдир.

Ҳар иккала партия, деб таъкидланади ҳужжатда, Исроилнинг Ливанга қарши агрессияси Исроил сионист маъмурлари экспансиячилик сиёсатининг ифодасидир, деб ҳисоблайди. Бу агрессия Америка империализмининг Яқин Шарқдаги ва бутун дунёдаги агрессив стратегияси туфайли қўллаб-қувватланмоқда.

ПКП ва ЛКП делегациялари сўнгра тинчлик учун курашни давом эттириш зарурлигини уқтириб бу кураш халқларнинг демократия, мустақиллик, социал тараққиёт ва социализм учун курашидан ажралмасдир, деб таъкидладилар.

Баёнотда ҳар иккала партиянинг империализмга, мустамлакачиликка, фашизм ва ирқчиликка қарши курашаётган барча халқлар билан, биринчи навбатда ЖАР апартеид режимининг жинояткорона сиёсатига қарши Намибия, Ангола, Мозамбик ва бошқа «фронт олди давлатлари» халқлари билан бирдам эканлиги изҳор этилади.

Халқаро ҳаёт

АДР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

КОБУЛ. (ТАСС). Президент Р. Рейган АҚШда паноҳ топган афғон аксилинқилобчилари бошлиқларининг Оқ уй ёнида ўтказилган йиғинига мактуб билан мурожаат қилганлиги муносабати билан Афғонистон Демократик Республикасининг ташқи ишлар министрлиги баёнот берди.

Бундан бир йил муқаддам, дейилади баёнотда, АҚШ президенти 21 мартни «Афғонистон куни» деб эълон қилган эди. Мамлакатимиз халқи бу сохтакорликни суверен давлатнинг ички ишларига тўғридан-тўғри аралашув деб баҳолаб, унга нисбатан қаҳр-газаб қаҳор этди. Энди Рейган яна найрангбозлик қилмоқда.

Вашингтондагилар шуни тушунишлари керакки, дейилади баёнотда, АҚШ бошчилигидаги халқаро империализм билан реакция Афғонистонга қарши олиб бораётган разил уруш муқаррар барбод бўлади. АДР қуролли кучларининг, халқ милицияси ва революцияни ҳимоя қилиш отрядларининг жангчилари босмачиларга қақшатгич зарба бердилар. Афғонистон меҳнаткашлари Афғонистон халқ демократик партияси билан АДР ҳукуматининг сиёсатини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаётганликларини Рейганнинг билмаслиги мумкин эмас. Ғарбнинг ёлғон ташвиқоти билан алданган мамлакатнинг минглаб аҳолиси барча меҳнаткашлар билан биргаликда Афғонистонда янги жамият барпо этмоқ учун революцион давлат томонига ўтмоқда.

Рейган, деб таъкидланади баёнотда, Афғонистонга қарши хуруж ёрдамида аксилинқилобчиларни Афғонистоннинг тинч аҳолисига қарши янги қотилликлар ҳамда ваҳшийликлар қилишга илҳомлантиришга, Апрель революцияси ютуқларига доғ тушириш ва уни бузиб кўрсатишга интилмоқда.

Апрель революциясининг беш йиллигини кутиб олаётган АДР халқи аксилинқилобчиларга қарши муросасиз курашни ва мамлакатда янги жамият қурилишини давом эттиришга тайёр эканлигини яқдиллик билан изҳор этмоқда. АДР халқи АҚШ маъмуриятининг ҳатти-ҳаракатларини рад этиб, қатъиян қоралайди, дейилади пировардида АДР ташқи ишлар министрлигининг баёнотида.

ЛИВАНДАГИ ВАЗИЯТ

БАЙРУТ, (ТАСС). Агрессорлар босиб олган Жанубий Ливан районларида Исроилга қарши катта-катта намойишлар ўтказилмоқда.

Кеча Набатия шаҳрида Исроил ҳарбийларининг ёвуз ниятларига қарши, қамоққа олинган ливанликлар ва фаластинликларни баҳшиёна қийнаётганликлари ва таҳқирлаётганларига қарши оммавий норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Шаҳар муниципалитети биноси ёнидаги намойишда юзлаб хотин-қизлар, кексалар, студентлар ва мактаб ўқувчилари қатнашди, уларга қўшни қишлоқларнинг аҳолиси қўшилди. Намойишчилар Исроил ҳарбий маъмуриятининг бошлиғига жабр-зулм тўхтатилсин, Ансар қамоқ лагерида азобда ётган ливанлик ва фаластинлик гражданлар озод этилсин, Исроил ўз қўшинларини олиб чиқиб кетсин, деган талабларни қўйдилар.

Мамлакат тараққийпарвар кучларининг даъватига биноан бугун Исроил қўшинлари босиб олган бутун Жанубий Ливан территориясида Ансар маҳбуслари билан, босқинчилар Ливан диёрида барпо этган сионистларнинг бошқа қамоқхоналаридаги маҳбуслар билан ялпи бирдамлик забастовкаси ўтказилмоқда.

Ливан ватанпарварларининг қуролли кураши давом этмоқда. Кеча Кфар-Набрах районида Исроилнинг бешта солдати партизанлар ғўйған миналар портлашидан ўлди.

«Ливан ватанпарварлари қаршилик фронти»нинг бу ерда тарқатилган ахборотида ўтган икки ой ичида фронтнинг жангговар группалари 38 операция ўтказганлиги айтилади. Қаршилик кўрсатиш жангчилари душманнинг танкларини, бронетранспортерларини, автомашиналарини мажақлаб ташлаганлар, Исроилнинг ўнлаб солдат ва офицерлари ўлдирилган, жароҳатлантирилган.

Фронт мамлакат аҳолисини Исроил босқинчиларига қарши отланишга, сўнгги оқибат Ливан диёридан чиқиб кетмагунча уларга шафқатсиз зарбалар бериш туришга даъват этди. «Озод ҳаракатлари билан Ливан халқини бириб, уни чўчитиб бўлмайди. Ливан халқи ватани босқинчилардан озод этиш учун одилона кураш олиб бормоқда», —деб таъкидланади ҳужжатда.

ФРАНЦИЯНИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ

ПАРИЖ. Бу ерда социалист Пьер Моруа бошчилигидаги Франция янги ҳукуматининг состави эълон қилинди. Республика президенти Ф. Миттеран илгари составдаги ҳукумат истеъфо бергандан кейин министрлар кабинетини тузишни яна унга топширган эди.

Ҳукуматда илгари асосий лавозимларни эгаллаган министрлар ўз вазифаларида қолдилар: Клод Шейсон — ташқи алоқалар министри, Гастон Деффер — ички ишлар ва маҳаллийлаштириш министри, Шарль Эрню — миллий мудофаа министри, Робер Бадинтер — юстиция министри, Шарль Фитерман — транспорт министри бўлиб қолди.

Франция янги ҳукумати составига бош министрдан ташқари 14 министр ва битта давлат секретари киради. Булар орасида 12 социалист, икки коммунист ва битта сўл радикаллар ҳаракати вакили бор. Илгариги составдаги кабинетда 25 министр бор эди. Ҳукуматда давлат министрлари лавозимлари тугатилди. Министр — делегатлар ва бошқа давлат секретарлари кейинчалик тайинланади.

ЙИРИК ШАРҚШУНОС

ИЛМ-ФАН ОЛАМИДА шундай кишилар учрайдики, уларнинг бутун ҳаёти ва ижоди том маънода фидойиликдан иборат бўлади. Бундай кишилар умр мазмунини партияга, халққа, Ватанга хизмат қилишда, илм-фан уфқларини ёритишда деб биладилар. Академик Игнатий Юлианович Крачковский ҳам ана шундай сиймолар ҳалқасига мансуб олимлардан бири эди.

И. Ю. Крачковский 1883 йилнинг 16 мартида Вильнюс шаҳрида олий ўқув юрти ўқитувчиси оиласида дунёга келди. Ёш Игнатий ўсмирлик пайтлариданоқ Шарқ халқларининг ҳаёти ва маданиятига ўта қизиқиш билан қарай бошлади. Бу иштилиш уни Петербург университетининг Шарқ тиллари факультетига етаклади. Дорилфунунни 1905 йилда муваффақиятли тугаллаган талаба илмий ишлар олиб бориш учун шу даргоҳнинг ўзида қолдирилди. Илмий унвонлар олиш пиллапояларидан осонликча ўтган иқтидорли йигит 1918 йилдан бошлаб Ленинград университетининг профессори бўлиб қолади.

Игнатий Юлиановичнинг совет фани олдидаги улкан хизматлари нималардан иборат?

У биринчи бўлиб араб шарқи адабиёти ва маданияти тарихини ёритишга қўл урди. Биринчи бўлиб бевосита манбалар устида ишлади ва уларни рус-совет маданияти ҳазинасини бойитишга хизмат қилдирди. Биринчи бўлиб Ўрта Осиё халқлари ҳаёти ва тарихида муҳим босқич ҳисобланган арабшуносликка оид ҳужжатлар текстологиясини ўрганишга киришди. Биринчи бўлиб араб шарқининг нодир асарларини рус тилига ағдарди.

1908—1910 йиллар оралиғида И. Ю. Крачковский Дамашқ, Қоҳира, Байрут ва Искандария шаҳарларида яшади ва бевосита Шарқ қўлёзмаларини тадқиқ қила бошлади. Игнатий Юлианович бу давр ичида жуда кўплаб араб олимлари билан шахсий мулоқатда бўлди ҳамда уларнинг илмий-сиёсий дунёқарашларига таъсир қилишга ҳаракат қилди.

И. Ю. Крачковский араб, турк, хабаш, лотин, яҳудий тилларини ва бир тадай Европа халқлари тилларини мукаммал билар эди. «Араб географик адабиёти» асарида Игнатий Юлианович исломгача бўлган ўтмишдан XVIII асргача бўлган даврмобайнида яшаб ижод этган араб географларининг ҳаётини тўлиқ ёритиб берди. Бундай асар рус совет арабшунослиги учун ғоят зарур эди. «Араб географик адабиёти» асари узоқ ўтмиш маданияти тилсимотини очишда ўзига хос калит ролини ўтади.

АКАДЕМИК И. Ю. КРАЧКОВСКИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

1931 йилда СССР Фанлар академияси Шарқий Европа, Кавказ ва Ўрта Осиёдаги араб манбаларини ўрганиш бўйича махсус комиссия тузди. Унга И. Ю. Крачковский раҳбар қилиб тайинланди. Натижада Ўрта Осиё халқларининг қадимий ҳаёти ва тарихини ёритувчи қатор асарлар вужудга келди. Улар орасида оригиналилмий асар сифатида авторнинг «Сўғдиёна тўплами» китоби ажралиб туради.

45 йиллик изланишлари давомида И. Ю. Крачковский миллий уйғониш даври ҳам кенг ўрганди. Мазкур классиклар фаолиятини бундай аспектда тадқиқ қилиш арабшуносликда янги йўналишни белгилаб берди.

И. Ю. Крачковскийнинг «Ҳозирги замон араб адабиётида тарихий роман», «Янги араб адабиёти», «XIX асрда араб адабиёти», «Ҳозирги замон араб адабиётидаги ҳолатлар Европада», «Рус арабшунослиги бўйича тарихий очерклар» каби асарлари олимнинг кўп йиллик изланишларига якун ясади. «Араб қўлёзмалари орасида» асари учун 1951 йилда Игнатий Юлиановичга СССР Давлат мукофоти берилди. Академик И. Ю. Крачковский жами 400 та илмий асар муаллифидир. У 1951 йил 24 январида Ленинград шаҳрида вафот этди.

Араб маданиятининг дурдоналари ҳисобланган «Минг бир кеча», «Калила ва Димна», «Қуръон» китобларининг дастлабки рус тилига таржималари ҳам И. Ю. Крачковскийга мансубдир. Бу билан академик ўзига хос таржимонлик мактабини ҳам яратган эди. В. И. Беляев, Б. И. Заходер, А. Долинина, О. Фролова, В. А. Крачковская, М. Дердиров, В. Рушчаковлар Игнатий Юлиановичнинг муносиб шогирдлари бўлиб етишдилар.

Шу кунларда республикамиз олимлари, илмий тадқиқот муассасалари, кенг жамоатчилик улкан шарқшунос олим И. Ю. Крачковский таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонламоқдалар. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик, Ҳ. С. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтларида, Тошкент Давлат университети Шарқ факультетида И. Ю. Крачковскийга бағишланган кенгайтирилган илмий кенгаш йиғилишлари бўлиб ўтди. Бу анжуманларда таниқли олимларимиз М. М. Хайруллаев, А. П. Қаюмов, П. Г. Булгаков, И. Абдуллаев, Б. В. Лунин, Б. Р. Ҳасанов, Э. О. Охунжонов, А. Аҳмедов, И. Г. Фатеева ва бошқалар академик И. Ю. Крачковскийнинг қўқиррали илмий фаолияти ҳақида сермазмун докладлар қилдилар.

«Илм машъали кимнинг қўлида ёрқинроқ порласа, албатта, эзгу мақсадларга эришади». Игнатий Юлиановичнинг қўлида тахсил кўрган ўзбек шарқшуносларининг гувоҳлик беришича, академик шундай дейишни ёқтирар экан. Ҳа, илм машъалини ёрқин порлатаётган совет олимларининг илм-фан соҳасида эришаётган ажойиб ютуқлари И. Ю. Крачковский сўзларининг нақадар тўғрилигини исботлаб турибди.

Р. УМАРОВ.



● МОЗАМБИК. Замбезм дарёси устидан ўтган бу кўприк Жануб-Шимол автомобиль йўлида қурилган ана шундай тўққиз иншоотдан биридир. Унинг узунлиги 2388 метр ва эни 10 метрдир. Жануб-Шимол автомагистрали тўққизта провинция маъмурий марказларини боғлайди ва мамлакат халқ хўжалиги учун жуда катта аҳамиятга эгадир.

АДН—ТАСС фотоси.

КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ — ҲАММАНИНГ ИШИ

ШИФОХОНАДА БОҒ, ГУЛЗОР

Акмал Икромов районы территориясида жойлашган Ўзбекистон эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти шифохонасида ҳам Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейига тайёргарлик қизғин бормоқда. Институт коллективи бу санани катта ободончилик ишларини амалга ошириш, территорияни саранжом-саришталаш, янги-янги гулзорлар барпо этиш билан кутиб олмоқчи. Ана шу ишларни планли равишда амалга ошириш мақсадида юбилей комиссияси тузилди. Комиссия аъзолари шанбалик ташкил этиб, ҳашар йўли билан ободонлаштириш ишларини амалга оширмоқдалар.

Институт ва унинг шифохонаси умумий территорияси 8 гектар майдондан иборат. Шундан 5 гектари боғ-роғ ва гулзорлардир.

— Территориямизда 4 минг тупга яқин дарахт ва гул кўчати, ярим гектардан ортиқ ерда эса токзорларимиз бор, — дейди шифохона бош врачи Адҳам Расулев, —шу қунгача дарахтларнинг таги чопилиб, шохлари буталди. Яна қўшимча 20 туп чинор, 200 туп гул кўчати ўтказилди.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида А. Усмонхўжаев, Б. Аъзамов, С. Фахриддинов, М. Ғиёсова, Д. Қувватбекова А. Титловалар фаоллик кўрсатишмоқда.

Кўкаламзорлаштириш фақатгина орасталик, кўркамлик учунгина эмас, балки соя-салқин, хушманзара анвойи гуллардан иборат боғроғларнинг ўзи ҳам беморлар учун хуш кайфият бағишлайди, уларнинг кайфиятини кўтаради ва тезроқ соғайишларига ёрдам беради.

Институт-шифохона коллективи буни алоҳида ҳисобга олиб ободончилик ва кўкаламзорлаштиришга, боғ-гулзорлар барпо этишга астойдил киришган.

Юбилей комиссияси оммавий-маданий тадбирларни ташкил этишга ҳам бош-қош бўляпти. «Тошкент кеча — бугун — эртага», мавзуида бир неча марта лекция ва суҳбатлар, турли мавзуларда илмий-назарий конференциялар ҳам ўтказилмоқда.

М. ШАРИПОВА.

● Суратда: шифохона врач ва ҳамширалари шанбалик ўтказишмоқда.

В. Портнов фотолари.

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

ИНТИЗОМ

Одамийлик денгизида дурри якто интизом.
Айлагай иш бобида ҳуснингни зебо, интизом.
Мамлакат қўрғони-тинчлик посбони давр аро,
Нотоваларни қилур бардам тавоно, интизом.
Заиғламас ҳаргиз ҳаёт ойнаси олмас ғубор
Умр кўзгусин қилур ҳар дам мусаффо, интизом.
Интизомни сақлагай доим чумоли лашкари,
Бу заиф махлуқ гуруҳи тутди ҳатто интизом.
Умр қўрмайдир иморат пухта пойдеворсиз,
Айлагай вайронани шавкатли дунё, интизом.
Турли маъданлар эрур мавжуд меҳнат мулкида,
Барчасидан энг зарур даркори тилло, интизом.
Ҳар йигит-қизни сарафроз этди ишқ осмонида,
Чеҳраларни элга айлаб нури сиймо, интизом.
Чун қуёш эттай намоён бизни минг йиллаб яна,
Доҳий Ленин интизомни ушбу аъло, интизом.
Интизоми бўлмаган уйда бўлур бебошлик,
Хонадонигни бузар ҳаттоки бежо, интизом.
Бахту эмад толе-у иқбол замининг жисмига
Хусну руҳ бахш этгувчи тўлқинли дарё, интизом.
Давлату бахту-саодат тоғи ҳам емирилгуси
Эл билан ғар бўлмаса ҳамкору ҳампо, интизом.
Олти миллион тонна «оқ олтин»ни мисқоллаб йиғиб,
Айлади ҳаққу ҳалол меҳнатла барпо, интизом.
Айни ядро хавфини маҳв этгучи энг кучли куч
Меҳнату эл бирлиги бемисл, якто интизом.
Кулки бўлмагай рақиблар олдида ҳеч озод халқ,
Маҳкам ушланг, чиқмасин қўллардан асло, интизом.
Чустиё иш интизомни сақла, нуқсон бўлмасин,
Сенга эл дер, офарин, юз минг тасанно, интизом.

ЧУСТИЙ.

БИЛИНГАЙ

Ҳосилли йил қорли қишу, баҳоридан билингай,
Эл тўкилгни ишчан ҳалқим ҳамкоридан билингай.
Бизда барча хонадонлар меҳнат билан фаровон,
Бахтли турмуш нишонаси рўзғоридан билингай.
Қайси чаман булбули, деб сўрамоқлик не ҳожат
Яшнаб турган гўзал боғу гулзоридан билингай.
Нафсатли халқим асли, озода-ю, киромдур,
Гард кўрмаган кўча, раста бозоридан билингай.
Карвон ўтар бўлса агар, саҳролардан йўл солиб,
Йўл унуми юк ортилган зўр норидан билингай.
Ҳар бир юртда ишчи-деҳқон меҳнатининг салмоғи,
Кузда уйган хирмонининг миқдоридан билингай.
Матонатли кишиларнинг садоқати, вафоси
Ватан учун аҳд айлаган қароридан билингай.
Деҳқонийнинг ўз халқига содиқлиги ҳар маҳал
Дўстларига иззат-ҳурмат ниҳоригдан билингай.

Тўхтамурод ДЕҲҚОНИЙ.

ҲАМШИРАЛАР

Мадҳингизни ёзар бўлсам ажиб дунё, ҳамширалар,
Меҳри тошга забон бергай меҳри дарё, ҳамширалар.
Балки Лукмон нафаси бор, балки Сино руҳи бордир,
Мажруҳ дилларнинг ҳамдами кўзга зиё, ҳамширалар.
Киши хаста бўлди не тонг, кўрди оғриқат нелигин
Кўрмаганлар учун балки мудом рўё, ҳамширалар.
Сўзларидан бол томади, кўзларида меҳригиё
Иғнасимас, дўстлар, айтсам меҳри даво, ҳамширалар.
Дардлар билан тик олишиб, гоҳо мағлуб, гоҳ голиб,
Юрагида ҳаёт шавқи — ажиб наво, ҳамширалар.
Эзди Абдулла юракдан, имон ҳаққи, виждон ҳаққи,
Ҳаётга нур бахш этувчи нурли дунё, ҳамширалар.

Абдулла МАТЕҚУБОВ.

ТЕАТР КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК

ЎЗБЕКИСТОН билан Татаристон ўртасидаги ижодий ҳамкорлик театр санъати соҳасида ҳам йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Ҳар икки республика театрлари репертуаридан ўзбек ва татар драматургларининг энг яхши асарлари мустаҳкам ўрин олаётганлигини мамнуният билан айтиб ўтиш мумкин.

Қозон шаҳридаги Татаристон Давлат драма ва комедия театри саҳнасида «Қизил дуррачади сарвқоматим» спектаклининг қўйилишида ҳам ижодий ҳамкорлик қўл келди. 1967 йилда томошабинларга тақдим этилган бу асарни таниқли ўзбек режиссёри Т. Хўжаев саҳнага олиб чиққан эди. Режиссуранинг оригиналлиги, оммавий саҳналарнинг таъсирчан чиққанлиги, умуман, спектакль муваффақиятли саҳналаштирилганлиги учун мазкур постановка А. Тўқай номли республика давлат мукофоти билан тақдирланди.

Шу-шу бўлдию, гастроллар айрибошлаш яхши анъанага айланиб қолди. Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри Қозонда бир неча бор гастроль томошаларини кўрсатди. Татаристон давлат драма ва комедия театрининг Тошкентдаги гастроллари ҳам муваффақиятли ўтди.

Республика «Ёш гвардия» театри коллективи ҳам Қозон шаҳрига таклиф қилинди. Бу йил мазкур санъат коллективи ўзининг энг яхши спектакллари билан дўстлар қузурига боради. Ана шу ижодий сафар олдидан татар театрида ёш ўзбек драматурги Исфандиёрнинг «Ўз отасининг қизи» асари саҳналаштирилди. Яқинда саҳна юзини кўрган бу спектакль устида Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Бахтиёр Ихтиёров ва «Ёш гвардия» театрининг рассоми Александр Батиков катта иш олиб бордилар. Етакчи актёрлар иштирокида саҳналаштирилган ушбу асар томошабинларга манзур бўлди.

Татаристон давлат драма ва комедия театри репертуаридан яқин орада яна бир асар ўрин олади. Таниқли ўзбек драматурги Ўлмас Умарбеков пьесаси асосида «Отилмаган ёй» деб номланган постановка устида қизғин ижодий иш бошланди.

А. АЛИЕВ.

Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатида физкультура ва спортни ривожлантиришга катта эътибор берилаётир. Бу ердаги «Сплав» клубида ишчилар спортнинг бир неча турлари билан шуғулланиш имкониятига эга бўлишмоқда.

Суратда: байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича тренер Муҳиддин Мнербеков (ўнгда) ёш спортчилар билан машғулот ўтказмоқда.

Р. ШАМСУДДИНОВ фотоси. (ЎзТАГ).

СПОРТ

ЧИМ УСТИДА ХОККЕЙ. Мамлакатимизнинг 24 кучли аёллар командаси тўрт кичик группага бўлиниб мамлакат биллур совғини учун мусобақаларни давом эттиришмоқда. Андижонда маҳаллий «Андижанка», областимизнинг «Политотдел», Самарқанднинг «Чевар» командалари билан бирга Бокунинг «Апшерон», Гродноннинг «Спартак», Олмаотанинг «Связист» командалари ўзаро куч синашмоқдалар. Бу командаларнинг биттаси мусобақаларни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритади. Дастлабки турда «Политотдел» «Спартак»ни 2:0 ҳисобида мағлуб этди.

МЕРГАНЛИК. Тошкентлик Рустам Ямбулатов хандақ стендига отишда 200 имконятдан 197 та очко тўплаб, биринчи ўринни эгаллади. Панфиловчилар хотирасига бағишлаб Фрунзе шаҳрида ўтказилган Бутуниттифоқ турнирида РСФСР вакиллари умумкоманда ҳисобида биринчи ўринни эгалладилар.

КАМОНДАН ОТИШ. Тошкентда республика кубоги учун ўтказилган мусобақаларнинг шахсий ҳисобида омад тожикистонлик спортчиларга кулиб боқди. Аёллар баҳсида О. Воловская, эркаклар баҳсида А. Нераное ғолиб келдилар. Умумкоманда баҳсида эса аёллар ўртасида тошкентликлар, эркаклар ўртасида душанбеликлар биринчи ўринни эгаллашди.

ГИМНАСТИКА. «Локомотив» кўнгилли спорт жамияти марказий советининг мусобақаларида республикамиз темир йўлчи спортчилари муваффақиятли иштирок этдилар. Ўсмирлар ўртасида Олег Мороз ғолиб бўлди, қизлар баҳсида Феруза Маматназарова энг яхши натижа кўрсатди. Команда баҳсида Тошкентдаги ихтисослаштирилган мактаб спортчи ўсмирлари биринчи, қизлар иккинчи ўринни эгаллашди.

Редактор Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Мактаб ўқувчиларининг баҳорги каникул кунларида

ЦИРК УСТАЛАРИ ИШТИРОКИДА «КЕНТАВР ПЛАНЕТАСИДАН КЕЛГАН МЕҲМОНЛАР»

ФАНТАСТИК БОЛАЛАР СПЕКТАКЛИ

Спектаклда ўргатилган отлар, эшаклар, кучуклар, айиқчалар, каптарлар, мушуклар ва бошқа ҳайвонлар қатнашади.

Томошалар соат 13, 16 ва 19.30 да бошланади.

Билетлар цирк кассаларида ва билет сотувчи вакиллар орқали шаҳардаги мактабларда сотилади.

ТЕЛЬМАН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

ЧЕХОСЛОВАКИЯ ПАРДУБИЦА ШАҲРИ «ОЙМОМА-БОҒИ»НИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

БОҒДА: қўнғироқли йўл, автодром, болалар автомобиль йўли, занжирли арғимчоқ, сирғаниш учун тепалик, тасодифлар ғори, «гоз», ва «оққуш» арғимчоқлари, болалар арғимчоғи, болалар поезди аттракционлари ишлайди.

«ПИНГ-ПОНГ», КЕГЕЛЬБАН, ОТИШ ТИРИ, ЮТУҚЛИ АТТРАКЦИОНЛАРИ ҲАМ МАВЖУД.

Аттракционлар ҳар куни соат 13.00 дан 21.00 гача, шанба кунлари соат 12.00 дан 21.00 гача, якшанба кунларн соат 10.00 дан 21.00 гача ишлайди.

ДАМ ОЛИШ КУНИ ДУШАНБА.

«ОЙМОМА-БОҒ» АТТРАКЦИОНЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ МИНИСТРЛИГИ БАЗАСИДАГИ

104-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1983—84 ўқув йили учун 8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЕШЛАРНИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА 3 ИЙЛЛИК

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ускуналар бўйича электромонтажчи, электр пайвандчи, контроль-ўлчов асбобларининг ремонти бўйича слесарь, қозон ва турбина ускуналарининг ремонти бўйича слесарь, теплотехника ускуналарининг ремонти бўйича слесарь, автоматика ва реле ҳимояси бўйича электромонтёр, химиявий анализ лаборанти, сувларни химиявий тозалаш бўйича аппаратчи, электромонтёр-кабелчи, автомашиналарнинг ремонти бўйича слесарь, дурадгор.

Ўқувчилар кунига 3 маҳал иссиқ овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 33 процента билан таъминланадилар.

Билим юртини битирганларга эгаллаган касби кўрсатилган ва ўрта маълумоти ҳақида диплом берилади.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар олий ўқув юртларига ўқишга юборилади.

Ёшлар, шунингдек Совет Армияси сафида ҳарбий хизматини ўтаб қайтган ўрта маълумотли йигитлар қуйидаги ихтисосликлар бўйича 1 йиллик ўқишга қабул қилинадилар: электромонтёр, электр узатиш линиялари электромонтёри, электромонтёр-кабелчи, автоматика ва реле ҳимояси бўйича электромонтёр, қозон ва ускуналар ремонти бўйича слесарь, теплотехника ускуналари ремонти бўйича слесарь, химиявий анализ лаборанти, сувларни химиявий тозалаш бўйича аппаратчи, қозон машинисти, турбина машинисти, автомашиналарнинг ремонти бўйича слесарь.

Билим юртининг ўрта маълумотли ўқувчиларига ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади. Билим юртида яхши жиҳозланган ўқув кабинетлари, устахоналар мавжуд.

Спорт секциялари, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишлайди. Ўқувчилар ётоқхона билан таъминланади.

Тошкент шаҳрида яшовчи ўқувчиларга автобус хизмат кўрсатади.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА (якшанбадан ташқари) ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш шарт: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги фотосурат.

Паспорт (туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома) ва ҳарбий билет (ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома) шахсан кўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: 702169, Тошкент области, Оржоникидзе райони «ТашГРЭС» поселкаси (115, 152-автобусларнинг «ТашГРЭС» посёлкаси» бекати). Телефонлар: 62-12-16, 62-12-51, қўшимча 6-12, 3-18, 6-26.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ • ТРУДОВЫЕ РЕСУРСЫ • МЗ ССР

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

СЕРГЕЛИ РАЙОНИДАГИ РЕМОНТ-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА

бўёқчилар, дурадгорлар, сувоқчилар, кассир.

«УЗБЕКХЛОПКОМАШ» бирлашмасининг

ТОШКЕНТ МАШИНАСОЗЛИК ЗАВОДИГА

токарлар, фрезерчилар, пайвандловчилар, қирқувчилар, штамповкачилар (пресларда), механика-йиғув ишлари слесарлари, ремонтчи слесарлар, электромонтажчилар, автомашина ҳайдовчилари, қолипчилар, деҳқонлар, электромонтёрлар, ремонтчилар, товаршунослар, инженер-технологлар ва конструкторлар; ишлаб чиқариш мастерлари, кран машинистлари.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

ҲАМЗА РАЙОНИДАГИ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА

йўл ишчилари, бетончилар, бульдозер машинистлари, автокранчилар, пардозловчилар, монтажчилар.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЛЕНИН РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

слесарлар, токарлар, поездларни тузувчилар, қолипчилар, қуюв цехи ишчилари, кран вожатийлари, юкчилар, стропальчилар, ускуналар ремонти бўйича слесарлар.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Марказий пункт — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
Ленин район пункти—Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй.
Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 64-уй.
Ҳамза район пункти — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 48-уй.
С. Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. Икромов район пункти — Чилонзор массиви, 22-квартал, 13-уй.
Сергели район пункти — 2-квартал, 69-уй.

ЛИФТДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИНГ!

«ЛИФТРЕМОНТ» РЕМОНТ-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ

уй-жойларда ўрнатилган пассажир лифтлари, савдо корхоналари, даволаш муассасалари ва меҳмонхоналардаги махсус юк кўтаргичлари устидан назоратни амалга оширади.

Кабина ичида ва асосий фойдаланиш майдончаларида илиб қўйилган фойдаланиш қоидаларига аниқ риоя қилинганда лифт хавфсиздир.

СИЗГА БУ ҚОИДАЛАРНИНГ АЙРИМ ПУНКТЛАРИНИ ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ:

— эшиклар автоматик равишда очилгач, кабина Сизнинг олдингизда эканига ишонч ҳосил қилишингиз лозим.

— Агар Сиз автоматик равишда ҳаракатга келувчи эшик ва полли лифтлар ичидаги кнопкани босишга улгурмай, кабина бошқа қаватдан чақирилиши натижасида ҳаракатга келса, уни «Стоп» деб ёзиб қўйилган кнопка ёрдамида тўхтатинг, сўнгра ўзингизга зарур бўлган қават кнопкасини босинг.

— Лифт кабинаси қаватлар орасида тўхташининг барча ҳолларида ундан чиқишга урининг — бу хавфли. Диспетчерни чақириш кнопкаси ёки «Звонок» кнопкасини босинг ва диспетчерга маълум қилинг.

— Лифтда мактабгача ёшдаги болаларнинг катталар назоратисиз юришига йўл қўйманг. Кабинага олдин катталар, сўнгра болалар кириши керак. Кабинадан олдин болалар чиқадилар.

— Болаларни аравачада олиб юришда, кабинага киришдан олдин болани қўлга олиш ва у билан бирга кабинага кириш, сўнгра бўш аравачани олиб кириш лозим. Кабинадан чиқишда эса аввал бўш аравачани олиб чиқиш, сўнгра қўлда бола билан ўзингиз чиқишингиз керак.

БУ ҚОИДАЛАРНИ ЕДДА ТУТИНГ! УЛАР ЛИФТДАН ФОЙДАЛАНИШДА КЎНГИЛСИЗЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА СИЗГА ЁРДАМ БЕРАДИ.

Авария ҳизмати телефонлари:
Фрунзе, Чилонзор, Октябрь, Собир Раҳимов ва Акмал Икромов районлари учун — 44-25-38, 44-30-08.
Ленин, Куйбишев, Киров, Ҳамза ва Сергели районлари учун — 33-70-58.

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

28 МАРТ СОАТ 19.30 да

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўрик-конкурси ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти Гулнод ОТАБОЕВА

VI Жаҳон фестивалининг лауреати Анвар РУСТАМОВ

Солистлар Фаҳриддин УМАРОВ, Ҳожиакбар ҲАМИДОВ, Дилором ҚАЮМОВА, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Райҳон АБДУЛЛАЕВА, Моҳичеҳра ИСЛОМОВА, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Қодир МУМИНОВ.

Музика раҳбари — Исматулла РАҲМАТУЛЛАЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40— «Учинчи сайёра сири». Мультфильм. 10.30 — Карл Маркс «Навқиронлик йиллари» кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 11.35 — Мактаб ўқувчиларининг учрашувлари. 12.25 — Телевизион ҳужжатли фильм. 13.15 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — «Рус тили». 15.50 — «Москва ва москвеликлар». 16.20 — Кинокўрсатув. 17.00 — Мультфильм. 18.30 — «Ёшлар адресларн». 18.45 — «Инсон ва қонун». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — Концерт. 19.55 — «Ҳамдўстлик» телевизион журнал. 20.25 — Карл Маркс. «Навқиронлик йиллари» кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 21.30 — «Время». 22.05 — «Рус музейи». 22.35 — «Дунё воқеалари». 22.50 — «Чат эл эстрадасининг куйлари ва оҳангларн».

МТ-II. 9.00—Эрталабки гимнастика. 9.15 — «Биринчи қалдирғоч». Бадиий фильм. 10.30 — «Бир севги тарихи». Телевизион ҳужжатли фильм. 11.00 — «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». 11.30 — Эстетик тарбия. 12.00 — С. Сартаков. Ижоди саҳифалари. 12.40 — Инглиз тили. 13.10 — «Цирк майдонида». 14.25 — «Оналар мактаби». 14.55 — «Ворислар». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.45 — Болалар учун қисқа метражли бадиий фильмлар. 16.45 — «Баҳор, темирчига таъзим эт!». Фильм-концерт премьераси. 17.10 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — «Фан ва техника». Киножурнал. 19.00— «Саёҳатчилар клуби». 20.00 — Балет артистларининг концерти. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45— «Дераздаги шуъла». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 21.15 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Кречинский тўйи». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2 серийлар.

УзТВ-I. 11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — «Қаҳрабочалар». Фильм-концерт. 12.00 — Ўзбекистонда Болалар ва ўсмирлар музикаси. 13.10 — «Менинг дадам капитан». Бадиий фильм. 18.05 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қишлоқ ёшлари». 18.35— «Нафосат оламида». Ҳужжатли фильм. 18.45 — «Шеъриятдафтариданн». 19.00 — «Тошкентнинг 2000 йиллигига». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Сурхоннинг ипак камалаги». Телефильм. 20.00 — «Дунё воқеалари». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — «Маҳом ижрочилари I Республика конкурси лауреатларининг концерти. 21.30 — «Время». 22.05 — «Кутлуғ қон». Кўп серияли видеофильм. 5-серия. 22.55 — Футбол чорраҳаларидан».

УзТВ-II. 18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20—Она тили. 18.50 — Физика. 19.50 — «Саломатлик алифбеси». Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — «Беш йиллик ишлари ва кишилари». 20.50 — «Лола —осмон остидаги гул». Телефильм. 21.00 — Ўқитувчи экрани. Ҳозирги замон шеъриятининг обзори. 21.30—МТ-II.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 25/III да Оламнинг ярлилиши (12.00), Риголетто (19.30), 26/III да Оловидиннинг сеҳрли шамчироғи (12.00), Дон Кихот (19.30).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/III да Ҳар тўйисда бир айб (11.00), Олтин девор (15.00), 26/III да Гурунг (11.00, 15.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 25/III да Ишонмасанг ўламан, 26/III да Лайли ва Мажнун.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари—335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат—325750. БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар—334048, 325354; партия гурмуши—325778; пропаганда—325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р. 01874. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б. 1566. 14